

Пайгамбаримизнинг саллаллоху алайхи ва саллам уйида бир кун.

Муаллиф: Абдулмалик Косим

Таржимон: Абу Мухаммад ал Асарий

Бисмиллахир роҳманир роҳим

Кириш

Пайгамбарини хидоят ва ҳак дин билан юборган Аллоҳ таолога ҳамдусанолар, барча оламга раҳмат килиб юборилган пайгамбаримизга, Унинг оиласи ва барча сахобалариға салавоту саломлар бўлсин.

Бугунги кундаги одамларнинг кўплари ё гулув кетган ва ёки локайд бўлган. Уларнинг айримлари расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам хикида гулув кетдилар, охир оқибат эса ширк келтириш даражасига етиб бордилар ва ўз эҳтиёжларини расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламга дуо килиб, Ундан мадад сўрай бошладилар. Баъзилари эса расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламнинг олиб келган йўли ва сийратига эргашишдан гафлатда колиб, У зотни ўз хаёти учун йўл кўрсатувчи маёқ ва белги килиб олмади.

Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламнинг сийратлари ва хаётининг нозик тафсилотларини оммага кулаги ва енгил услуб билан якинрок олиб келиш максадида, барчасини ўз ичига олмасада, ушбу сахифаларни тўлдирмоқдамиз... Шундай бўлса-да, бу ёзганларимиз расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламнинг хаёти ва сифатларининг мўъжизагина дебочасидир. Мен уларни тўлалигича баён килмадим, балки, бугунги кунда одамлар хаётида кўринмай колган деб ўйлаганим хислат ва фазилатларга чекландим. Хар бир хислат ва фазилатнинг баёни учун икки ёки уч хадис зикр килишга чекландим. Холбуки, расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламнинг хаёти — Уммат хаёти, даъват ва хаёт дустури эди. Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам тоат-ибодатда, гўзал ахлок ва хушмуомала ҳамда макомнинг олийлигига пешво эдилар. Унга Аллоҳ таълононинг айтган мактоби етарлидир: «Сиз улуг ахлок узрасиз».

Ахлуссунна вал жамоа расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламни Аллоҳ кўйган манзилатга кўядилар. У Аллоҳнинг кули ва расули, дўсти ва танлагани. Униболалари ва оталаридан хаттоки ўзларидан кўра кўпроқ севадилар. Бирок унинг хакида гулув кетмайдилар, уни хаддан зиёд олкишламайдилар, унинг учун юкорида айтилган манзилати кифоядир.

Биз шу йўлдан кетамиз: мавлидларни пайдо килиб, базмлар уюштирмаймиз. Балки, расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламни буюрганларидек севамиз, У зотга буюрганларида итоъат этамиз, кайтарган ва тўхтатган нарсаларидан сакланамиз.

Биз учун бу дунёда расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламни кўриш насиб этмаган, ўртамиизда канча – канча асрлар бўлсада, мен Аллоҳ таолодан расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам қуйидаги хадисларида зикр килган кишилардан килишини сўрайман. «Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам: «Кани энди биродарларимизни кўрсам эдим» — дедилар, Сахобалар: «Биз сизнинг биродарларингиз эмасмизми?» — деб сўрадилар. Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам: «Сизлар менинг сахобаларимизиз. Биродарларимиз эса хануз келмадилар» — дедилар. Сахобалар: «Ё расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам, хануз келмаган умматингизни кандай танийсиз?» — деб савол бердилар. Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам: «Кани айтингчи агар бир кишининг кашка отлари тим кора отлар орасида юрган бўлса у ўз отларини таний оладими?» — дедилар. Сахобалар: «Бўлмасачи, ё Расулуллоҳ» — деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам: «Улар тахорат

ўринлари порлаган холда келадилар. Мен эса уларни хавзим олдида кутиб тураман» — дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Аллох таъолодан бизларни хам расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг осорларига эргашиш, сийратидан намуна олиш ва суннатидан сипкирганлар каторида килишини, шунингдек, бизларни расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам билан бирга Ади жаннатларида бирга килишини хамда Унга килган хизматлари эвазига катта – катта мукофотлар беришини сўрайман.

Аллох таъоло пайгамбаримиз, Унинг оиласи ва сахобаларига салавоту саломлар йўлласин.

Абдулмалик ибн Мухаммад ибн Абдурраҳмон ал- Косим

Зиёрат

Кадим асрларга кайтиб, ўтган тарих сахифаларини варактаймиз, унинг сахифаларини ўкиб, хар бир сатри хакида тафаккур киламиз хамда харфлар ва сўзлар оркали расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг уйларини зиёрат этамиз...

Биз расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг уйларига кириб, ахволи ва воеий холати билан танишиб, унинг сўзларига кулок солайлик хамда пайгамбарнинг уйида факатгина бир кун меҳмон бўлиб, дарсу-ибрат олайликда, айтилган сўзлар ва килинган ишлар билан калбимизни ёритайлик...

Одамларнинг билими ошиб, кўп нарсаларни ўкиб, Шарку Гарбни китоблар, мактублар, фильмлар ва хужжатлар оша зиёрат эта бошладилар... Биз эса расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг уйини шаръий зиёрат килишга, унда кўрган ва билган нарсаларимизни хаётимизга жиддий татбик килишга улардан кўра лойикрокмиз. Ёзилажак сахифалар кўп бўлмагани учун хам, расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг уйларида муайян макомлардагина тўхталиб ўтамиз. Шояд бу билан нафсимизни тарбиялаб, уларни хаётимизда татбик килсак.

Мусулмон дўстим!

Биз ўтган асрлар сахифасини кўзимиз кўрмаган нарсалар билан завкланиш ва яшаб ўтган инсонларнинг хаётини кўриш учунгина варакламаймиз. Аксинча, Аллох таоълонинг ўз пайгамбарини севиш учун килган амрига итоат этиб пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва салламнинг хаётини ўкиш, суннатларига эргашиш ва у зотнинг дастури ва йўлларида юриш билан Аллохга ибодат киламиз. Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга бўлган мухаббатнинг энг муҳим белгиси эса, унга амр этилган нарсаларида итоат этиш, кайтарган ва тўхтатган нарсаларидан тийилиш, демакдир...

Аллох таъоло расулуллох саллаллоху алайхи ва салламни пешво ва намуна килди. Шунинг учун хам, У расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга бўйсуниб, итоат этишни фарз килиб деди:

«(Эй Мухаммад), айтинг: «Агар Аллохни яхши кўрсангизлар, менга эргашинглар, шунда Аллох сизларни (хам) яхши кўради ва гунохларингизни кечиради. Аллох кечирувчи ва раҳмли зотдир» (Оли Имрон: 31);

«Аллохнинг пайгамбарида сизлар, — Аллох ва охиратдан умидвор бўлган хамда Аллохни кўп ёд олган кишилар учун намуна бордир» (Ахзоб: 21).

Аллох таъоло пайгамбарга итоат этишни Куръон Каримнинг кирикка якин ерида зикр килди (Ибн Таймийя, «Мажмуъул-фатава»:1/4)

Банданинг баҳт – саодати, охиратдаги нажоти Аллохнинг пайгамбариға эргашишдадир: «Ким Аллоҳ ва унинг расулига итоат этса осталаридан дарёлар окиб турадиган жаннатларга киритади. Улар у ерда мангу коладилар. Бу буюк ютуқдир. Ким Аллоҳ ва унинг расулига осий бўлиб Аллохнинг белгилаб қўйган хадларидан тажовуз килса, уни абадий коладиган жойи бўлмиш жаханнамга киритади. Ва унинг учун хорловчи азоб бордир». (Нисо: 13,14)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам ўзларини яхши кўришни иймон халоватига эришиш сабабларидан бири килдилар: «Уч хислат бор. Улар кимда бўлса, у одам иймон халоватини топади: «Аллоҳ ва расули унга бошкалардан кўра севимлирок бўлса...» (Муттафакун алайх);

«Жоним кўлида бўлган зотга касамки, Мен сизлардан бирингизга отаси ва фарзандидан кўра севимлирок бўлмагунимча, у одам (хакикий) мўъмин бўла олмайди» (Имом Муслим ривояти)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг хаёти – покиза хаёт бўлиб, ундан ўрганамиз ва уни хаётимизга татбик этамиз.

Сафар

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг уйи томон сафар килиш, ул зотнинг хаётининг икир-чикирлари ва муомала санъанити кўриш аслида ўта кизикарли иш. Энди биз шу иш ортидан ажру-савобни умид килсакчи?! Албаттa, расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг хаёти насиҳат ва ибрат, сийрат ва намуна, эргашиш ва ўрнак олишдир. Бу сафаримиз китоблар ва сахобалар тилидан накл килинган ривоятлар воситаси ила бўлади. Зотан, расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам зикр килинганларидек, учта масжиддан бошка хар кандай кабр, пайгамбарнинг уйи ва ундан бошка жойларга (ибодат максадида) касд билан сафар килиш мумкин эмасдир: «Факат Масжидул-Харом, менинг масжидим ва Масжидул-Аксоганина (ибодат макасдида) сафар килинади» (Имом Бухорий ва имом Муслим ривояти).

Биз расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг ушбу амрларига бўйсунишимиз ва уч масжиддан бошка хеч бир ерга (ибодат ниятида) касдли сафарга чикмаслигимиз керак. Холбуки, Аллоҳ таъоло: «Пайгамбар олиб келган нарсаларни махкам ушланглар ва кайтарган нарсалардан тийилинглар!», демокда (Хашр: 7).

Биз пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи ва салламнинг кадамжойларини хам касд килмаймиз. Ибн Ваззоҳ раҳимахуллоҳ деди: «Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анху остида расулулоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламга байъат килинган дарахтни кесиб ташлашга амр килди. Чунки, одамлар у жойга бориб, дарахт остида намоз ўқир эдилар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анху одамлардан ширк амали содир бўлиб колишидан кўрккан эдилар»

Ибн Таймийя раҳимахуллоҳ Хиро гори хакида шундай дейди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам пайгамбар бўлишдан аввал у горда ибодат килган ва ўша горда биринчи вахий нозил бўлган эди. Бирок, расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам вахий нозил бўлгандан сўнг, у горга хатто унинг якинига хам кайтиб бормадилар, шунингдек асхоблари хам якин йўламадилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам пайгамбар бўлганларидан сўнг ўн йилдан кўпроқ Макка шахрида колганларига карамай, бирон марта хам Хиро горини зиёрат килмадилар ва унга чикмадилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламга иймон келтирган бирон бир сахоба хам, у горга бормади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам хижратдан сўнг Худайбийя ва Жиъирронда хамда

Фатх йилидаги умраларида Маккага бир неча марта келдилар ва Фатх йилида йигирма кунча колдилар аммо Хиро горига бормадилар ва уни зиёрат килмадилар»(Ибн Таймийя, «Мажмуъул-фатава»:27/251).

Мана биз Мадинаи Мунавварага нигоҳ ташлаймиз. Унинг катта белгиларидан бири – Ухуд тоги рўпарамизда кўрина бошлади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам Ухуд тоги хакида: «Бу тог бизни севади ва биз хам уни севамиз» деган эдилар (Муттрафакун алайх).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг уйларига кадам ранжида килишдан аввал, уйнинг курилиши ва шаклини кўрамиз. Агар кичикинагина уй соддагина ёток-жойни кўрсак бундан ажабланмайлик. Чунки, расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам дунёдаги одамларнинг энг зоҳиди, дунёвий нарсаларни озайтирувчи, дунёнинг зийнат ва бойликларига кўз тикмаган, балки «кувончи намозда килинган» зот эдилар (Насойи ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам дунё хакида: «Менинг дунё билан ишим нима! Мен билан дунёнинг мисоли иссик кунда сафарга чиккан, бир дараҳт остида озгина салқинлаб, сўнгра уни тарқ килиб йўлида давом этган отликка ўхшайди», деган эдилар (И мом Термизий ривояти).

Энди расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг уйи томон Мадина кўчаларида илдам кадам ташлаб кетмокдамиз. Ана, баъзилари хурмо барглари устига лой чаплаб, баъзилари эса тош териб курилган, хаммасининг томлари хурмо барглари билан тўсилган расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг хотинларининг уйлари кўринди.

Хасан разияллоҳу анху шундай дер эди: «Мен Усмон разияллоҳу анхунинг халифалик даврларида расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг хотинларининг уйларига кирадим ва унинг томларини (пастлиги сабаб) кўларим билан ушлардим» (Ибн Саъд «ат-Табакотул-Кубро»: 1/274)

У камтарона уй ва кичик хужралардан иборат эди. Бироқ, иймон, итоат, вахий ва рисолат билан обод эди.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг кўринишлари

Биз расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг уйларига якинлашиб, кириш учун рухсат сўраб эшикларини кокамиз. Сўнгра, хаёлимизни расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламни кўрган одамлар билан кўйиб юборамиз.. У бизга расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг муборак ташки кўринишлари ва табассумли юзларини кўриб турганимиздек таърифлаб беради.

Баро ибн Озиб разияллоҳу анху деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам одамлар ичида юзи чиройлироги, ахлоки гўзалрорги ва ўрта бўйли эдилар» (И мом Бухорий ривояти)

Бошка ривоятда деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам ўрта бўйли, кенг елкали бўлиб, сочлари кулокларининг юмшоклари кадар тушар эди. Мен кизил кўйлак кийган пайтларида у зотдан кўра чиройлирок одамни кўрмадим» (И мом Бухорий ривояти).

Абу Исҳок Сабиъий рахимахуллоҳ деди: «Бир одам Бароъ ибн Озибдан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг юзлари килич каби эдими?» — деб сўраганида: «Йук, Ой каби эди» — деб жавоб берди» (И мом Бухорий ривояти).

Анас разияллоҳу анху деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг кафтларидан кўра мулойимрок бўлган на ипак на бошка нарсани ушламадим ва

расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг бўйидан кўра хушбўйрок хидни топмадим» (Муттафакун алайх)

Хаёхам расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг сифатларидан бири эди. Абу Саъид ал-Худрий разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам чимиликка кирган бокира киздан хам хаёлирок эдилар. Агар бирон нарсани ёктирмасалар, биз уни юзларидан ўкир эдик» (Имом Бухорий ривояти).

Булар расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хилкати ва хулки хакида накл килингандан баъзи сифатлар, холос. Холбуки, Алоҳ таъюло пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва салламнинг хилкати ва хулкини мукаммал килиб яратгандир. Ота-онам унга –саллаллоху алайхи ва саллам-фидо бўлсин.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг Гапиришлари

Биз расулуллох саллаллоху алайхи ва салламни ва у зотнинг баъзи сифатларини кўрдик. Энди пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва салламнинг ўзлари бизга гапиришларидан аввал, гапиришлари ва гапириш услубларини бир кўрайлик.

Оиша разияллоху анху дедилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам сизлар каби тез гапирмас, балки, равон ва дона–дона гапирава атрофидагилар унинг сўзларини ёдлаб олар эдилар» (Абу Довуд ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам мулоим, атрофдаги одамларнинг тушунишларини севар, Умматига харис бўлгандаридан одамлар ўртасидаги фаркларни, тушуниш ва англаб олиш даражаларини риоя килар эдилар. Бу эса унинг сабрли ва халим бўлиши кераклигини такозо килар эди.

Оиша разияллоху анху дедилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг сўзлари уни эшитган хар бир киши тушуна оладиган дона–дона эди» (Абу Довуд ривояти).

Сиз расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг сўзлари яхши тушунилиши учун бир неча марта тақрорлаётгандаги сабри ва юрагининг кенглигини мулохаза килинг!!..

Анас ибн Молик разияллоху анху: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам яхши тушунилиши учун бир сўзни уч марта тақрорлар эдилар» — деди (Имом Бухорий ривояти).

Баъзи одамлар расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига келганида унинг хайбатидан кўркувга тушар, расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам эса уларга мулоим гапириб, юракларидаги кўркувни кетказар эдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам хузурига бир одам келди, у билан гаплашдилар. Уодамнинг оёк-кўли титрай бошлади. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам унга: «Тинчлан, мен подшоҳ эмасман. Мен куритилган гўшт ейдиган хотиннинг фарзандиман, холос» — дедилар» (Ибн Можа ривояти).

Уй ичида

Бизга пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламнинг уйларига киришга изн берилди, мана биз уйнинг ўртасида турибимиз. Келинг, уйга бир нигоҳ

ташлайлик. Сахобалар бизга бу уйда бўлган кўрпа-тўшак ва бошка жихозлар хакида сўзлаб берсинлар.

Табиийки, биз хоналар ва ховлиларга изнисиз нигоҳ ташлаш мумкин эмаслигини биламиз. Бирок, бу муборак уйнинг баъзи нарсаларига намуна бўлиши ва ўрнак олиш учун карайимз. Дархакикат, бу уйнинг пойдевори камтарлик, сармояси эса иймондир. Унинг деворларига бокинг, унда бугунги кундаги қўплаб мусулмонлар осиб қўядиган жонли нарсаларнинг суратлари йўк! Холбуки, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари: «Ит ва суратлар бўлган уйга фаришталар кирмайди», деган эдилар (Имом Бухорий ривояти). Энди Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кундалик хаётида истеъмол килган буюмларга бир назар ташланг.¹

Собит рахимахуллоҳ деди: «Анас ибн Молик разияллоҳу анху бизга ёғочдан килинган, кўпол ва белидан темир «белбог» билан бoggланган кадаҳни кўрсатди ва: «Эй Собит, бу — расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кадаҳлари» — деди» (Имом Термизий ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шу кадаҳда сув, ивтилган хурмо шарбати, асал ва сут ичар эдилар (Имом Термизий ривояти).

Анас разияллоҳу анху: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ичар эканлар уч марта нафас олар эдилар» — деди (Муттафакун алайҳ).

Яъни, идишдан оғзини узоклаштириб нафас олар эдилар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам идиш ичида нафас олиш ёки идишга пуфлашдан кайтарганлар (Имом Термизий ривояти).

Аммо расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жиход, харбий тўқнашувлар ва жанговар кунларида кийган совут хозир уйда йўқ бўлса керак. Оиша разияллоҳу анхонинг айтишига караганда, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни бир яхудийдан карзга олган ўттиз соъ арпа эвазига унинг олдига гаровга қўйган эканлар (Муттафакин алайҳ). Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар, совут эса яхудий олдида гаровлигича колди.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам оиласи олдига қўқкисдан бостириб келмас, балки, киришларини оиласига билдириб кирадилар. Кирганларида уларга салом берар эдилар (Ибн Койим «Зодул-Маод»: 2\381).

Синчков кўз ва онгли калб билан расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларида фикр юритинг: «Исломга хидоятланган, хаёти кундалик тирикчилигига етадиган даражада бўлиб, шунга каноат килган кишига хушхабарлар бўлсин!» (Имом Термизий ривояти). Мана бу улуг хадисга хам кулок солинг: «кимки жони омонда, жасадида саломатлик, хузурида кундалик озукаси билан тонг оттирган бўлса, гўё унга дунёнинг барчаси жам бўлибди» (Имом Термизий ривояти).

Кариндошлар

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кариндошлиқ алоказаларига канчалик эътибор берганини сифатлашга тил ожизлик килади. Чунки, у зот бу

¹ - Абдуллоҳ ибн Аббос Умар ибн Хаттобдан ривоят килади. Умар деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига кирдим, ул зот бўйра устида ётибдилар. Олдиларига ўтиридим, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эгнида факат изор-лунги (белдан пастта кийладиган матоҳ) бор эди, холос. Бўйра ёнбошларига ботиб кетибди, уйдаги нарсаларга назар ташладим. Уйнинг бир чечида уч-тўрт ховуч арпа, акас қўзоги ва деворда осиглик мешни кўриб қўзимдан ёш куйилди. Эй Умар нимага йигляпсиз деб сўрадилар? Эй Набиуллоҳ нега йигламас эканман, бўйра ёнбошингизга ботиб кетган бўлса, уйнгизда нима борлигини хам кўриб турган бўлсан! Кисро ва Кайсарларни каранг, мевалар, анхорлар ичра бўлишиса-ю, сиз Аллоҳнинг пайтамбари, танлаганиннинг холи бу бўлса!» «Эй Хаттобнинг ўгли, охират бизга ва дунё уларга бўлишига рози эмасмисан» — дедилар. Иби Можа ривояти.

бобда башариятнинг энг комили эдилар. Хатто, у зотни пайгамбар бўлишларидан аввал Курайш кофирлари хам мадх этишган ва «Содикул-Амийн» (Омонатдор ростгўй) деб таърифлашган, мухтарама онамиз Хадича разияллоҳу анҳо хам расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Сиз кариндошлик алоказарини киласиз ва тўғри сўзлайсиз», деган эдилар.

Мана каранг, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вазифаларнинг энг олийси ва ҳакларнинг энг буюгини адо этмокдалар: етти ёшларида айрилган оналарининг кабрини зиёрат килмокдалар.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳо деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам онасининг кабрини зиёрат этиб йигладилар ва атрофидагиларни хам йиглатдилар, сўнгра дедилар: «Роббимдан онамнинг ҳаккига истиғфор айтишни сўрадим, У менга рухсат бермади. Унинг кабрини зиёрат килишни сўрадим, менга рухсат берди. Кабрларни зиёрат этингиз! Чунки, кабрлар ўлимни эслатади» (Ином Муслим ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кариндошларига бўлган меҳри, уларни (Исломга) даъват этиш, тўғри йўлни кўрсатиш ва жаханнамдан куткариш учун канчалар тиришганлари ва бу йўлда оғир машаккатларни кўттаргани ҳакида ўйлаб кўринг...

Абу Хурайра разияллоҳу анҳо деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Якин кариндошларингизни (жаханнам азобидан) огохлантиринг!» (Шуаро:214) ояти нозил бўлганида Курайш кабиласини чакирдилар, улар жамланишгач, уларга карата умумий ва хусусий хитоблар килдилар: «Эй Бану Абду Шамс, эй Бану Каъб ибн Луай, ўзингларни жаханнамдан куткаринлар! Эй Бани Мурра ибн Каъб, ўзингларни жаханнамдан куткаринлар! Эй Бану Абду Маноф, Эй Бану Хошим, ўзингларни жаханнамдан куткаринлар! Эй Бану Абдулмутталиб, ўзингларни жаханнамдан куткаринлар! Эй Фотима, ўзингни жаханнамдан куткар! Мен сизлар учун Аллоҳ хузурида бирон нарсага эга эмасман, Бирок, ўртамиизда кариндошлик бўлиб, у билан сизларга (дунёда) аюка киламан, холос» (Ином Муслим ривояти).

Каранг, севимли пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам амакиси Абу Толибни Исломга даъват килишда малол олмай давом етдилар. Уни кайта-кайта даъват килдилар. Хатто, у ўлим тўшагида ётганида хам унинг олдига келиб даъват этдилар.

«Абу Толиб ўлар вактида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг хузурига кирдилар. Унинг олдида Абу Жахл ва Абдуллоҳ ибн Аби Умайя бор эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хой Амаки, «Ла илаха иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошка ҳак илоҳ йўқ) деб атинг, бу калимани Аллоҳ азза ва жалланинг хузурида сиз учун хужжат килай» — дедилар. Абу Лахаб ва Абдуллоҳ ибн Аби Умайя эй Абу Толиб, Абдулмутталибининг миллатидан воз кечасанми?!» — дедилар. У иккиси гапиравердирлар, гапиравердилар ва охири Абу Толиб уларга: «Мен Абдулмутталибининг миллатидаман» — деди».

Шундай бўлсада, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Модомики, менга таъкикланган эмас экан, сиз учун истиғфор айтаман» — дедилар. Шунда: «Пайгамбар ва иймон келтирганларнинг, жаханнам ахлидан эканлиги маълум бўлганидан сўнг кариндошлари бўлсада, мушриклар учун истиғфор айтишлари мумкин эмасдир» (Тавба:113) ва «Сиз яхши кўрган одамларингизни тўғри йўлга йўллай олмайсиз» (Касас:56) оятлари нозил бўлди»(Ином Ахмад ва Ином Бухорий ва Ином Муслим ривоятлари).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яхшилик килиш учун Абу Толибни тириклик пайтида хам кўп даъват килган, хатто хаётининг охирги

лахзаларида хам Ислом динига чакирган ва ўлганидан сўнг истиғфор айтган эдилар. Оят нозил бўлиши билан Алоҳга итоат килдилар-да, мушрик кариндошлари учун дуо килишдан тўхтадилар. Бу — Уммат учун катта меҳрнинг кўринишларидан, колаверса, Ислом учун дўстлашиш ва гарчи кариндошлар бўлсада, коғир ва мушриклардан безор бўлиш кўринишларидан биридир.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламниң Уйларида

Инсонинг уий — гўзал хулки, одоб камолати, гўзал муомаласи ва ички дунёсининг соғлигини кўрсатиб берадиган хакикий макондир. У хоналар ва деворлар ортида хеч ким кўрмайдиган бир ерда ўз кули, хизматкори ёки хотини билан табиятига мос шаклда муомала килади. У уйнинг раҳбари, кўл остидагилар эса заиф бўлишларига карамай соҳталикдан холи бўлган камтарлик билан муомала килади.

Биз бу Уматнинг пайгамбари, сарвари ва муаллими бўлган Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламниң шундай буюқ макомлари ва олий даражалари бўлишига карамай ўз уйда кандай холатда бўғанлари хакида таффакур килиб кўрайлик.

Оиша -розияллоҳу анҳо- дан Расулуллоҳ уйда нима ишлар килиши хакида сўралганида: «Одамлардан бири эдилар: кийимларини тозалар, эчкисини согар ва ўз ўзига хизмат килар» эди — деб жавоб берган эдилар» (Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти).

Дарҳакикат, бу — камтарлик, кибрисзлик ва бошкаларга «юқ» бўлмаслик намунасиdir. Бу — ўртоклик ва хамкорликдаги олийжанобликдир. Одам боласининг энг сараси шу ишларни киляпдими-я?! У Ислом нури тарағлан ушбу муборак хонадонда яшар экан, корнини тўйдирадиган нарсага эга эмас эди!

Нуъмон ибн Башир -розияллоҳу анҳо- саллаллоҳу алайҳи ва салламниң хаётини эсга олар экан: «Мен пайгамбарингизнинг сифатсиз-ёмон хурмолардан корнини тўйдирадиган микдорини топа олмаганини кўрганман» — деди (Имом Муслим ривояти).

Оиша -розияллоҳу анҳо- дедилар: «Биз — Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламниң оиласи бир ойлаб козон остига ўт ёкмасдан ўтирадик. Ейдиган нарсамиз факат хурмо ва сувгина эди, холос» (Имом Бухорий ривояти).

Бу хонадонда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни тоат-ибодат килишларига монеълик киладиган бирон нарса йўқ эди. Шунинг учун хам, «Хайя алас-солат» (Намозга шошилинглар) «Хайя алал-фалаҳ» (Нажотга шошилинглар!) нидосини эштишлари биланок тезда унга ижобат килиб, дунё ишларини ортларида колдирав эдилар!

Асвад ибн Зайд деди: «Мен Оиша розияллоҳу анходан пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида нима иш килар эдилар?» — деб сўрадим: «Ахлининг хизматларини килар, аzonни эштишлари билан намозга чикар эдилар» — деб жавоб бердилар» (Имом Муслим ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламниң фарз намозини уйда ўқиганлари асло ривоят килинган эмас. Факат ўлимларидан олдинги касалликларида, касал сабабли каттиқ иситмалаб, намозга чикишлари кийинлашгандагина уйларида ўқиганлар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умматига ўта шафкатли ва меҳрибон бўлсаларда, (фарз) намозларини жамоат билан (масжидларда)

ўкимаган кишилар хакида каттик сўз айтдилар: «Амр этсаму, намоз ўкиш учун такбир айтилса. Кейин бир кишини одамларга имом бўлиб намоз ўкишга буюрсам. Сўнгра, мен бог-бог ўтин кўтарган одамлар билан бориб, намозга келмаган одамларнинг уйларини ёки юборсам!» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Бу (фарз) намозларни жамоат билан ўкишнинг ўта муҳимлигидан эди. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Аzonни эшишиб ижобат килмаган одамнинг намози намоз эмасдир, факат узри бўлсагина жоиздир» — дедилар (Иbn Можа ва Иbn Хиббон ривоятилари). Узр эса хатар ёки касалликдир.

Бугунги кунда масжидларга чикмай, хотинларининг олдиларида колган «намозхон»лар каерда колдилар? Уларнинг касал ёки кўркинчдан бўлган узрлари кани??!

Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг турмуши ва хусусиятлари

Инсоннинг харакатлари ва сокинлиги унинг аклининг мезони ва калбининг калитидир.

Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг ахлокини энг яхши биладиган ва ул Зотнинг холатларини энг яхши сифатлаб берадиган Сиддик розияллоху анхунинг кизи, мўъминларнинг онаси Оиша розияллоху анходир. Чунки у, Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламга уйку ва уйгокликда, касаллик ва согломликда хамда розилик ва газабли холатларда якин эдилар.

Оиша -розияллоху анхо- дедилар: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам ёмон ишларни килувчи, хаёсиз сўзларни сўзлагувчи, бозорларда шовкин килувчи эмас эдилар. Ёмонликка ёмонлик кайтармас, балки авф килар ва кечирар эдилар» (И мом Ахмад ривояти).

Рахмат ва неъмат килиб юборилган пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламнинг турмуши ва хусусиятларидан баъзисини бизга севимли набиралари Хусайн розияллоху анху сифатлаб бермоқдалар: «Отамдан пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламнинг сухбатдошлари билан бўлган муносабатлари хакида сўрадим. У деди: «пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам доимо кувнок, мулоим ва гўзал ахлокли зот эдилар. Ул зот кўпол ва бакирок эмас бирорларнинг айбларини изловчи эмасдилар. Ёктирган нарсаларига эътиборсиз каар, уни умид килган кимсани ноумид килмас эдилар. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам уч нарса: риёкорлик, сергаплик ва фойдасиз нарсаларни тарк этган эди. Одамларни хам уч холатда кўйган: бирон бир кимсани айбламас, мазаммат килмас ёки унинг сирларини билишга интилмас эдилар. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам савобини умид килган сўзнигина гарирар, гапирганларида сахобалар бошларида куш кўниб тургандек, жим ўтиришар, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам гапларини тутатганиларидан кейингина гапирар эдилар. Сахобалар ул зотнинг олдида бир-бирлари билан гап талашмас, бири гапирса хаммаси унга гапини тутатгунча кулок солишар эди. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам биринчи бўлиб гапира бошлаган сахобанинг сўзини тинглар, сахобалар кулган нарсаларга кулар, ажабланган нарсаларидан ажабланар, нотаниш одамнинг кўпол сўзлари ва эхтиёжлар учун сабр килар, буни кўрган сахобалар нотаниш одамни чеккага олиб чикиб кетишни хохлаб кўлларидан ушласалар: «Эхтиёжини сўраган одамни кўрсангиз, унга кўмакчи бўлинглар!» –дер эдилар. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам лойик бўлган одамлардангина мактовни кабул килар, хеч кимнинг сўзларини тутатмагунча бўлмас, хаддидан ошсагина унинг

сўзини кайтарик ёки ўринларидан туриб кетиш билан бўлар эдилар» И мом Термизий ривояти¹

Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг хислатлари хакида бирмабир фикр юритиб кўринг ва ундан ўзингиз учун фойда олишга харакат килинг! Чунки, улар яхшилик мажмусидир.

Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг хислатларидан бири сухбатдошларига дин ахкомларини ўргатишидир. Ул зотнинг таълимларидан: «Аллоҳдан бошкасини (Аллоҳга) тенгдош килиб унга ибодат килган холда вафот этса, жаханнамга киради» (И мом Бухорий ривояти).

Яна бир хадисда дедилар: «Хакикий мусулмон мусулмонлар унинг қўли ва тилидан саломат бўлган кишидир, муҳожир эса Аллоҳ кайтарган нарсаларни тарк этган кишидир» (Бухорий ва Муслим ривояти.)

Ул зотнинг сўзларидан: «Зулматларда масжидларга кўп борувчи кишиларга Киёмат кунида бериладиган комил нурдан башорат берингиз!» (И мом Термизий ва И мом Абу Довуд ривояти).

Ул зотнинг таълимларидан: «Мушриклар билан бойликларингиз, жонингиз ва тилингиз билан курашингиз!» (И мом Абу Довуд ривояти).

Яна бир хадисда дедилар: «Банда аникламасдан туриб бир сўзни айтади-да, ана шу сўз сабабли жаханнамга Машрик билан Магриб ўртасидан кўра узокрок бўлган масофага тушади» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Ул зотнинг сўзларидан: «Мен лъянатловчи бўлиб жўнатилмадим, балки, раҳмат килиб юборилдим» (И мом Муслим ривояти).

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят килинади, расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Мени насронийлар Ийсони хаддан зиёд мадҳ этганлариdek меъёридан ортик мадҳ этманглар» —дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Жундаб ибн Абдуллоҳ айтди: «Мен Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг ўлимларидан беш кун аввал шу сўзларни айтганларини эшитганман: «Мен сизлардан бирингиз менга халил² бўлишидан пок эканлигимни Аллоҳга билдираман. Чунки, у мени хам, Иброҳимни килгани каби ўзига халил килиб олди. Агар умматим ичидан биронтасини халил килсайдим, Абу Бакрни халил килиб олар эдим. Огоҳ бўлингларки, сизлардан аввал яшаб ўтган халклар пайғамбарларининг кабрларини саждагоҳ-масжид килиб олар эдилар. Кабрларни саждагоҳ-масжид килиб олманглар! Мен сизларни бундан кайтараман!» (И мом Муслим ривояти).

Шунинг учун хам ичиди бир ёки бир неча кабрлар бўлган масжидларда намоз ўкиш мумкин эмасдир.

Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг Кизлари

Жохилият даврида киз боланинг тугилиши ота-онаси, хатто оиласи ва кабиласи учун мотам куни бўларди. Бу жамиятдаги холат ор-номусдан кўркиб кизларини тириклайн кўмиб юборишга етди. Тириклай кўмиш ўта кабих шаклда бўлар, унда на раҳм ва на муҳаббатга ўрин бор эди. Ха, киз болани тупрокка тириклайн кўмилар эди! Улар бу жиноятда анчагина «маҳоратли» эдилар. Улардан баъзилари киз кўрадиган бўлса олти ёшга киргунига кадар тек

¹ - Термизийдан топа олмадик (Ислом Нури таҳририяти).

² - Халилининг маъноси дўстникдан анча кучлидир. Халил халилига бутун вужуди билан боғланиб колади. Гўёки у факат халилини бўлиб колади. Шунинг учун халилга дўст деб маъно айтиш тўгри келмайди. (Ислом Нури таҳририяти)

ташлаб кўяр, сўнгра хотинига: «Кизингга чиройли кийимларни кийдириб хушбўйла, мен уни амакиларининг олдига олиб бораман» — дерди-да, кизни аввалдан у учун сахрода казиб кўйган чукурга олиб борар ва: «Кизим, шу чукурга бир кара» — дер эди. Киз караётган пайтда чукурга туртиб туширас ва устидан тупрокни вахшийларча тортар эди.

Мана шу жохилий жамият ичида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам аёлни она, хотин, киз, опа-сингил ва амма холатларида мукаррам килган мана бу буюк дин билан чикдилар. Кизлари хам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг мухаббатига сазовор бўлдилар. Кизлари Фотима розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг хузурларига кирганида ул зот ўринларидан туриб, унинг кўлларидан ушлаб ўпар ва ўзларининг ўринлариға ўтказар эдилар. Фотима розияллоҳу анхонинг хам хузурига Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам кирсалар ўрнидан туриб кўлларидан ўпар ва жойига ўтказар эди (И мом Абу Довуд, И мом Термизий ва И мом Насойи ривоятлари).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам кизларини яхши кўриб, уларга марҳаматлар килган бўлсалар-да, Аллоҳ таъюл «Абу Лахабнинг кўли курисин!» (Масад сураси) оятларини нозил килганидан сўнг Абу Лахабнинг икки ўгли: «Утба ва Утайбалардан Ум Кулсум ва Рукайя исмли кизларининг талок олишларига сабр билан Аллоҳдан ажрни умид килиб рози бўлдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам даъватни тўхтатиш ёки оркага чекинишга рози бўлмадилар. Курайш Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламга таҳдидлар килганидан сўнг кизлари талок килинди, бироқ, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам сабр ва матонат билан Ислом динига чакиришда давом етдилар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг ўз кизи билан каршилаши ва унга кандай очик юзли бўлганликларига онамиз Оиша розияллоҳу анҳо ривоят килган ушбу хадис хам яккол намуна бўлади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг хузурларида хотинлари бор эдилар. Фотима розияллоҳу анҳо кириб келдилар. Унинг юриши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг юришларидан хеч фарқ килмас эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам уни кўришлари биланок каршиладилар ва: «Кизим, хуш келдингиз!» — дердилар, сўнгра ўнг тарафларига ўтказдилар...» (Муслим ривояти).

Кизларига бўлган меҳру мухаббати туфайли кизларини зиёрат килар, ахволларини сўроклар ва муаммоларини хал этар эдилар.

Фотима розияллоҳу анҳо бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламга тегирмон килиш оқибатида кўлларининг кабарганини шикоят килиб, хизматкор беришини сўрамокчи бўлиб келдилар. Бироқ, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламни топмадилар. Шунда шикоятларини Оиша розияллоҳу анхога айтдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам келганларида Оиша розияллоҳу анҳо хабарни етказдилар. ...Алий розияллоҳу анху деди: «Ётмокчи бўлиб жойимизга кириб турган пайтимиизда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам (изн сўраб) кириб келдилар. Биз ўрнимиздан тумокчи бўлгандик: «Жойингиздан кимирламанглар!» — дедилар-да, ўртамиизга келиб ўтиридилар. Мен кўкрагимда у зотнинг оёкларининг совуклигини хис этдим. Сўнгра дедилар: «Мен сизларни хизматкордан кўра яхширок бўлган нарсага йўллаб кўймайми? Агар кўрпангизга ўрансангиз ёки ўрнингизга ётсангиз ўттиз тўрт марта такбир (Аллоҳ акбар), ўттиз уч марта тасбех (Субханаллоҳ) ва ўттиз уч марта хамд (Алхамдуиллаҳ) айтингиз! Мана шу сизларга хизматкордан кўра яхширокдир» (И мом Бухорий ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг сабри ва мотам тутмасликларида биз учун чиройли намуна бордир. Хаётлик даврларида Фотима разияллоху анходан бошка барча ўгил-кизлари вафот этдилар. Шундай бўлсада хеч бири учун мотам тутмадилар, кўллари билан юзларига урмадилар, кийимларини йиртмадилар, таъзиячилар учун капалар тикиб зиёфатлар килмадилар. Балки, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Аллохнинг казосига рози, сабрли ва савобдан умидвор бўлдилар.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам махзунларнинг кадарини кетказиш ва мусибатланган одамга тасалли бўлиш учун катта васият ва улуг хадисларни ташлаб кетдилар. Улардан бири шудир: кайси бир мусулмонга бирон мусибат етганда Аллох буюрган сўзларни айтса: «Инна-а лиллахи ва инна-а илайхи рожиу-у-н», «Аллохумма ажирний фий мусибатий, вахлуф лий хойрон минха» «Биз Аллохникимиз ва албатта Аллохга кайтгувчимиз». Аллохим, бошимга тушган мусибат учун менга ажру-савоблар ато эт ва менга бу мусибатим бадалига ундан кўра яхширок нарсани бер» Аллох таъоло ундан хайрлирок нарсани бадал килади» (Имом Муслим ривояти).

Аллох таъоло истиржо «Инна-а лиллахи ва инна-а илайхи рожиу-у-н» (биз Аллохникимиз ва албатта Аллохга кайтгувчимиз) жумласини мусибатли одамлар учун паноҳ, сабрлиларга савобни сероб килиб, ўз хузуридаги катта савоблардан башорат берди: «Сабрлилар савобларини бехисоб оладилар».

Хотинга муносабат

Оиланинг кичик майдонида хотин сокинлик ва якинлик аломати бўлиб колади. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Дунёнинг барчasi мато, дунё матоларининг энг хайрлиси солиха хотиндир» — дедилар (Саҳиҳул-жомиус-сагир).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг ахлоки гўзал ва хуш муомалалиги сабабли хотини — мўъминларнинг онаси Оиша разияллоху анхонинг исмини кискартиб, унга севинчли хабар бериб чакирганини кўрамиз! Оиша разияллоху анҳо деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кунларнинг бирида: «Эй, Оиш, Жибрил сизга салом айтяпти!» — дедилар (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Энг комил ахлокли ва макоми буюк бўлган Умматнинг пайгамбари хотинининг хиссий ва руҳий рагбатларни билиш, мулойим ва унга нисбатан чиройли муносабатда бўлишда хамда хар бир аёл эрининг олдида эътиборли бўлиши учун яхши кўрадиган макомига кўйишнинг хайратомуз намунасини кўрсатдилар!

Оиша разияллоху анҳо дедилар: «Мен Ой кўрган кунларимда (бирон нарсани) ичиб, (косани) Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга узатар эдим. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам лабларимни кўйган ерга лабларини кўйиб ичар эдилар. Устухондаги гўштдан тишлар эдим, кейин пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам устухонни олардилар ва лабларимни кўйган ерга лабларини кўйиб ер эдилар» (Имом Муслим ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам мунофилар ва шарқшунослар уйдирмалар ва ботил даъволар билан айблаганидек эмас, балки, хотинга эрнинг энг гўзал ва енгил муносабатини килар эдилар.

Оиша разияллоху анҳо дейди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам хотинларидан бирини ўпар ва тахорат килмай намозга чикар эдилар» (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кўп ўринларда аёлнинг ўз хузурларида олий макоми ва юксак мартабаси борлигини кўрсатдилар.

Мана У соллаллоху алайхи ва саллам Амр ибн Ос разияллоху анхунинг саволига жавоб бериб, хотинга бўлган мухаббатнинг хар томонлама етук, тўгри бўлган эркакни хижолат килмаслигини билдирилар!

Амр ибн Ос разияллоху анху Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга: «Сиз учун одамларнинг энг севимлиси ким?» — деб савол берганда? «Оиша» — деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Хаётида оиласи бахт-саодатни вужудга келтиришни хохлаган одам, Оиша разияллоху анхо накл килган хадис ва Оиша разияллоху анхога Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кандай муомала килгани хакида тафаккур килиб кўрсин!

Оиша разияллоху анхо: «Мен ва Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бир идишдан гусл килар ва унга бирин кетин кўл солар эдик» — дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам хотинининг калбига севинч киритиш ва унга баҳтиёрликни хис эттириш учун хар бир мубоҳ фурсатни ганимат билар эдилар!

Оиша разияллоху анхо дедилар: «Мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг сафарларининг бирида бирга чиқдим. Мен у кунлар нозик, хали семирмаган эдим. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам одамларга: «Сизлар олдинга кетинглар!» — дедилар. Одамлар илгарилаб кетдилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам менга: «Келинг, чопишамиз» — дедилар. Мен у киши билан чопишим ва ўзиб кетдим. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам индамай кўявердилар. (Вакт ўтиб) менга хам эт кириб, семирдим. Яна сафарларининг бирида хамроҳ бўлдим. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам одамларга: «Сизлар олдинга кетинглар!» — деб менга: «Келинг, чопиш мусобакаси ўйнайлик» — дедилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам мендан ўзиб кетдилар ва кулиб: «Буниси аввалгиси билан teng бўлди!» — дедилар (Имом Ахмад ривояти).

Дархакикат, бу — латиф эркалаш ва каттиқ эҳтимом беришдир. Одамларни олдинга кетишини буориб, хотини билан мусобакалашиш ва унинг юрагига севинч киритиш... Каранг, Ул Зот ўтган эркалашга янгисини хам кўшиб: «Буниси аввалгиси билан teng бўлди!» — деб кўйдилар.

Аллоҳнинг кенг Ерида кезиб, бугунги кунда унда яшаётган аслзодаларнинг хаётлариға назар ташлаган одам, пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламнинг килган ишларидан хайратга тушади. Холбуки, ул Зот пайгамбар, музaffer саркарда, Курайш ва Бани Хошимнинг аслзодаси. Зафар кунларининг бирида кўп сонли лашкарни бошкариб, голиб бўлиб кайтдилар. Шундай бўлишига карамай бу зот хотинлари — мўъминларнинг оналарига меҳрли ва уларга мулоҳимдирлар! Лашкарга кўмондонлик килиш, йўлнинг узоклиги ва жангдаги галаба Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламни у билан бирга йўл ва сафар кийинчиликларини кетказадиган Унинг меҳрли муносабатлари ва садокатли пичирлашларига муҳтож заифа хотинлари бор эканлигини унуттирамади.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам хайбар жангидан кайтар эканлар, София бинти Хуяйга уйландилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Онамиз София розияллоху анхо минадиган туяning атрофига газмол айлантириб ўраб, онамизни тўсардилар. Сўнгра бир тиззаларига чўкка тушардилар, София онамиз ул Зотнинг тиззаларига оёкларини кўйиб, туяга минардилар. (Имом Бухорий ривояти)

Бу Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг камтарликларида далолат киладиган таъсирли холат эди. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам музффар саркарда ва пайгамбар бўлишларига карамай, хотини учун тиззалирини ерга кўйиши, унга камтарлик килиши ва унга ёрдам бериши унинг обрўсига путур етказмаслигини умматига таълим бердилар.

Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг умматига килган васиятларидан бири шудир: «Огох бўлинглар, хотинларга доимо яхши муносабатда бўлинлар!»(Имом Муслим ривояти).

Кўп хотинлик

Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам ўн бир аёлга уйландилар. Улар «муъминларнинг оналари» номига мушарраф бўлдилар. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам вафот этганларида тўккизта хотинлари бор эди. Бу муҳтарама аёллар кўлга киритган шараф ва мартабалар на кадар буюк! Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам ёши катта аёлга хам, бева аёлга хам, талок кўйилган аёлга хам, заифага хам уйландилар. Бу хотинлар ичida Оиша онамизгина бокира эдилар.

Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам уммахотул-муъминийнга уйланиб, уларнинг барчасини бир ерга жам килдилар ваadolat ва таксимотда намуна бўлдилар. Оиша разияллоху анхо дедилар: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам сафарга чикмокчи бўлсалар хотинлари ўртасида куръя ташлар эдилар. Кимнинг куръаси чикса, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам уни ўзи билан бирга сафарга олиб чикар эдилар. Хар бир хотини учун бир кеча ва кундузни белгилар эдилар» (Имом Термизий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анху ривоят килган ушбу хадисadolat намуналаридан бирини тасвирлайди: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг тўккизта хотинлари бор эди. Улар ўртасида бирга бўлишни таксим килсалар, биринчи хотинга тўккизинчи куни навбат келар эди. Хотинлар хар окшом навбати келган хотиннинг хонасида тўпланишар эди. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам Оиша разияллоху анхонинг хонасида эдилар. Зайнаб розияллоху анхо кириб келганида Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам унга кўлларини узатдилар. Оиша разияллоху анхо: «У Зайнабдир!» — дедилар, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам кўлларини тортиб олдилар..» (Имом Муслим ривояти).

Пайгамбарлик нури порлаган ушбу хонадон, Аллох таълонининг пайгамбарида берган тавфики бўлмаса, бу даражага ета олмасди.

Каранг, пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам Роббисига сўзда ва амалда шукр килмокдалар. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам хотинларини ибодат килишга рагбатлантирадар, Аллох таълонининг амрига итоат этиш учун уларга ёрдамчи бўлар эдилар: **«Ахлингизни намозга буюринг ва ўзингиз хам намоз (ни адo этиш)да сабрли бўлинг! Биз Сиздан ризқ сўрамаймиз, (биликс) Сизга ризкни Биз берамиз. Чиройли окибат тақводорлар учундир»** (То-ха: 132)

Оиша разияллоху анхо дедилар: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам (тажажжуд) намоз (ини) ўкир, мен эса Уларнинг жойларида кўндаланг бўлиб, узаниб ётар эдим. Агар витр ўжимокчи бўлсалар, мени уйготар эдилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам киёмул-лайлга¹ ва эр ва хотиннинг бу ишда бир-бирларига ёрдамчи бўлишларига таргиб килдилар ва бунинг йўлини хам кўрсатиб бердилар. Абу Хурайра разияяллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аллох кечаси туриб намоз ўкиган ва хотинини уйготган, хотини хам намоз ўкиган, агар уйгонмаса, унинг юзига сув сепган кишига раҳм айласин. Аллох кечаси туриб намоз ўкиган ва эрини уйготган, эри хам намоз ўкиган, агар уйгонмаса унинг юзига сув сепган хотинга раҳм айласин» (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Мусулмон киши ичининг соф ва тозалигини мукаммал килиш учун ташки кўринишига хам эътибор бериши, унинг камолати ва динида маҳкамлигининг аломатидир.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам калби пок, бадани тоза ва хушбўй, мисвок² тутишни яхши кўрар ва бунга буюар эдилар: «Умматимга оғир бўлмаганида эди, уларни хар бир намоздан аввал мисвок килишга буюар эдим» (Имом Ахмад ривояти).

Хузайфа розияяллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уйкудан уйгонгандарида оғизларини мисвок билан тозалар эдилар» (Имом Муслим ривояти).

Шурайх ибн Хоний Оиша разияяллоху анходан сўрадилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уйга кирганларида нимадан бошлар эдилар?» «Мисвок килиш билан» — деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Оила аъзоларининг каршисига чикиш учун таёргарлик ва бу тозалик кандай гўзал-а!

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уйга кирав эканлар: «Бисмиллахи влажна, ва бисмиллахи харажна, ва алаллохи роббина таваккална» «Аллохнинг исми билан кирдик, ва Аллохнинг исми билан чиқдик ва Роббимиз Аллохга таввакул килдик» дер сўнгра уйда турганларга салом берар эдилар (Имом Муслим ривояти).

Мусулмон дўстим уйингизга озода холатида, салом билан кириб, оила аъзоларингизни баҳтиёр килинг! Буни уларни маломат килиш, дашном бериш ва айблашга алиштирганлардан бўлманг!

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хазиллари

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уммати, кўшини, саркардарлари, оила аъзолари, гоҳида вахий, гоҳида эса ибодат ташвишида бўлар эдилар. Ул зот учун булардан бошка ташвишлар хам кам эмасди. Булар катта ишлар бўлгани учун хар кандай инсонни хаёт матлабларига тўла жавоб бериш ва уларга рухни ато этишдан ожиз килиб кўяди. Бирок, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам хакдорларнинг хар бирига ўз хаккини бердилар ва бирисининг хисобига бошкасига заар бермадилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ишлари кўп бўлишига карамай калбida болалар учун хам бир ер ажратдилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам катталар билан хазиллашганларидек,

¹ - Тунда бедор бўлиб тахажҷуд ўкиш. Тахажҷуд аслида 3-13 ракаттacha бўлган тунги нафл намоз, унинг охири бир ёки уч ракат билан витр килинади. Мусулмон киши тунда туриб кодир бўлганича бу намозни адо этиши мумкин. Бу намоз икки-икки ракатдан ўкилади. Охирида бир ёки уч ракат билан витр килинади. (Ислом Нури таҳририяти).

² - Мисвок чўлларда ўсадиган арок (арок) дараҳтининг илдизидан калмча килиб киркиб олиниб, бир томонини мўйкалагма ўхшатиб учланади ва тиш тозалашда ишлатилади. Унинг таъми аччик ва ўзига хос бўйи бўлгани учун оғиз хидини яхши олади. (Ислом Нури таҳририяти).

баъзида болаларни эркалатиб, улар билан хазиллашар, уларнинг калбига якин бўлиб, унга севинч киритар эдилар.

Абу Хурайра розияллоху анху деди: «Сахобалар: «Ё Расулуллох, сиз бизга хазил киляпсизми?!» — деганларида Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Ха, бирок, мен факат хакикатни айтаман» — дедилар» (Имом Ахмад ривояти). Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хазилларидан бири Анас ибн Молик розияллоху анху ривоят килган ушбу хадисдир: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам унга: «Хой, икки кулокли!» — деб хитоб килдилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Анас розияллоху анху деди: «Умму Сулаймнинг «Абу Умайр» деган ўгли бор эди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уларнига келган пайтларида кўпинча хазиллашар эдилар. Кунларнинг бирида Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уларнига кирдилар ва у билан хазиллашмокчи бўлдилар, боланинг маҳзун эканини кўрдилар-да: «Абу Умайрга нима бўлди, хафага ўхшайди?» — дедилар. Эй Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам унинг ўйнайдиган нугрий куши ўлиб колди дедилар. Шундан кейин: «Ё Або Умайр, мо фаъалан-Нугайр (яъни, эй Абу Умайр кушча нима килди)» — деб хитоб кила бошладилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам катталар билан хам хазиллашар эдилар. У хазилларидан бирини Анас розияллоху анху куйидагича ривоят килади: «Зохир ибн Харом исмли аъробий бор эди. Уни пачак бўлсада, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам яхши кўрар эдилар. Кунларнинг бирида Зохир матоларини сотар экан, оркасидан Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам келдилар-да, уни маҳкам кучоклаб олдилар. Зохир кучоклаган одамнинг ким эканини кўролмас эди. Шунинг учун хамб «Кўйиб юбор, кимсан?» — деди. Бошини буриб карагач у Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам эканлигини билди ва оркасини Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг кўкракларига яна хам ёпиштира бошлади. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бўлсалар: «Бу кулни ким сотиб олади?» — дердилар. Зохир: «Ё Расулуллох, Аллох номига онт ичиб айтаманки, агар мени сотмокчи бўлсангиз мен бу бозорда касодман!» — деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Лекин сен Аллохнинг хузурида кимматлисан!» — дедилар (Имом Ахмад ривояти).

Бу муомала Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг олийжаноблиги ва олийхимматлигининг нишонасиdir.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ўз оила аъзолари ва атрофдагилар билан очик бўлишларига карамай, ул зотнинг кулишлари табассумдан нарига ўтмас эди. Оиша разияллоху анхо дедилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламни танглайлари кўринадиган даражада (огизларини) очиб қулганларини кўрмадим. Балки, табассум килар эдилар» (Муттафакун алайхи).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам очик юзли ва гўзал муомолали бўлишларига карамай, Аллох харом килган амаллар содир бўлган пайт юzlари (газабдан) ўзгарар эди. Оиша разияллоху анхо дедилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам сафардан кайтдилар. Мен токчамни расмлар чизилган бир парда-латта билан тўсиб кўйган эдим. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уни кўрганлари он йиртиб ташладилар ва юзлари кизариб: «Хой Оиша, Киёмат кунида одамларнинг энг ашаддий азобга гирифтор бўладиганлари Аллохнинг маҳлукотларига ўхшаган нарсаларни яратмокчи бўлган кимсалардир» — дедилар Бухорий ва Муслим ривояти.

Бу хадис жонзотлар тасвириланган суратларнинг уйларда сакланишини харом килмоқда. Хусусан, деворларга суратлар осиш, уйнинг бурчакларига, токчаларга ёки хонлар устига хайкалларни кўйиш каттик харомдир. Бундан ташкари, булар гунох бўлиши билан бирга, рахмат фаришталарининг уйга киришига тўскинлик килади.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйкуси

Убай разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу хадисни ривоят килди: «Сизлардан бирингиз ўрнига ётса, кийимининг бир тарафи билан жойини (супурганныма) коксин, сўнгра, «Бисмиллаҳ» десин. Чунки у, ўзидан аввал жойига кириб олган нарсаларни билмайди. Агар ётмокчи бўлса, ўнг тарафига ёнбошласин ва: «Субҳанака Аллоҳумма роббий, бика вадаъту жанбий ва бика арфаъуху. Ин амсакта нафсий фагfir лаха ва ин арсалтана фахфазха-а бима-а тахфазу бихи ибадакас-солихийн» «Аллоҳим, мен Сени мушриклар сифатлаётган сифатлардан поклайман! Роббим Сенинг ёрдаминг билан ёнбошладим ва Сенинг ёрдаминг билан (бошимни) кўтараман. Агар менинг рухимни олсанг, уни кечир! Агар рухимни кўйиб юборсанг, уни солих бандаларингни химоя килгандек (ўз панохингда) сакла!» — деб айтсин» (Ином Муслим ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хар бир мусулмон эркак ва аёлга килган тавсияси кўйидагича эди: «Жойингга ётмокчи бўлсанг намозга килганингдек таҳорат кил ва ўнг тарафингга ёнбошла!» Бухорий ва Муслим ривояти.

Оиша разияллоҳу анҳо дедилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хар кеча ўринларида ётар эканлар икки кафтларини бирлаштириб «Кул хуваллоҳу аҳад», «Кул аузу бироббили фалак», «Кул аузу бироббиннас» сураларини ўкиб дам солар, кейин кафтларини бошларидан бошлаб, баданларидан кўллари етган ергача, олд тарафларига уч марта сурар эдилар» (Ином Бухорий ривояти).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларига ётар экан: «Бизни едирган, ичирган, бизга кифоя килиб, жой берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Канча – канча инсонлар борки, уларнинг кифоя килувчилари ва жой берувчилари йўқдир» — дер эдилар (Ином Муслим ривояти).

Абу Катода разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечалари ухлаганларида ўнг тарафига ёнбошлар, тонгдан аввал ухлаганларида эса тирсакларини кўйиб, кафтларига бошларини кўяр эдилар» (Ином Муслим ривояти).

Севимли дўстим, Аллоҳ таълонининг бизга инъом этган неъматлари ичida пайгамбарларнинг саййиди ва охиргиси, яралмишларнинг энг афзали бўлган пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ётган тўшаклари хакида ўйлаб кўринг!

Оиша разияллоҳу анҳо деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ётган тўшак, хурмо япроқлари тўлдириган тери эди» (Ином Муслим ривояти).

Сахобаларнинг бир гурухи Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурига кирди. Умар разияллоҳу анҳу хам кириб келдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бурилдилар шунда Умар разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бикинларидағи бўйра изларига

кўзи тушиб йиглади. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Хой Умар, нега йигляяпсиз» — деб савол берганларида Умар разияллоху анху: «Аллох номига онт ичиб айтман-ки, Кисро ва Кайсарлар дунё ичидан сузид юрибдилар. Сиз бўлсангиз бу холатдасиз» — деди. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Улар учун дунё, Биз учун охират бўлишига рози эмасмисиз?!» — дедилар. Умар разияллоху анху: «Ха, (розиман)» — деганида Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Албатта шундай бўлади!» —дедилар (Имом Ахмад ривояти).

Киёмул лайл Тунги ибодат

Тун Мадинага бостириб келиб уни ўз зулмати билан камраб оларди, бирок, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам намоз ва Аллохнинг зикри билан кечани ёритиб, тахажжуд намозларини ўкир, Еру Осмонлар Роббисига муножатлар килиб, ишларнинг калити кўлида бўлган зот – Яратувчисининг амрига итоат этиб дуолар килар эди: «Эй (кийимларига) ўралиб олган зот, кечаси (бедор бўлиб намозда) туринг! Факат озгина – у (кеча)нинг ярмида (ухлаб ором олинг) ёки (уйкуни кечанинг) ярмидан хам бир оз камайтиринг, ёхуд унга (бир оз) зиёда килинг(яъни кечанинг ярмидан кўпрогида ухлаб, истироҳат килинг) ва Куръонни тартил билан (яъни дона – дона килиб) тиловат килинг!» (Муззаммил: 1-4).

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам (кечалари ўринларидан) туриб намоз ўкирдилар хатто оёклари шишиб кетарди. Ул зотга «Ё Расулulloх, Аллох Сизнинг аввалги ва кейинги гунохларингизни кечирган бўлса хам шундан киласизми?!» дейилса: «Миннатдор банда бўлмайинми?!» — деб жавоб берар эдилар» (Имом Ибн Можа ривояти).

Асвад ибн Зайд айтди: «Мен Оиша разияллоху анходан: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг тунгти намозлари хакида сўрадим. Оиша разияллоху анхо шундай дедилар: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам кечанинг аввалида ухлар кейин турардилар. Сахар вакти бўлгандан витр ўкирдилар, кейин жойларига келардилар. Агар хотинларига эҳтиёжлари бўлса, уларга якинлик килар, аzonни эшитсалар ўрниларида сакраб турар, жунуб бўлсалар гусл килиб, бўлмаса тахорат олиб, кейин намозга чикар эдилар» (Имом Насойи ва Ахмад ривояти).

Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг тунгги намозлари ўта хайратомуз-ки, у бизни унинг узунлиги хакида фикрлашимиз хамда уни ўзимизга намуна килиб олишимизга ундаиди!

Абу Абдуллоҳ Хузайфа ибнул-Ямон разияллоху анху деди: «Мен кечаларнинг бирида Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам билан бирга намоз ўқидим. У зот Бакара сурасини бошладилар. Мен: «Юзинчи оятдан сўнгра рукуъ киладилар» — деб ўйладим. Бирок, ундан ўтиб кетдилар. Мен: «Бакара сурасини бир ракатда ўкир эканлар-да?» — деб ўйладим. Бирок, давом этиб, Оли имрон сурасини бошладилар, уни хам ўкиб тутатдилар. Мен: «Энди рукуъ килсалар керак» — деб ўйладим. Кейин Нисо сурасини бошладилар ва ўкиб тутатдилар. Ул зот хар бир харфни дона-дона талаффуз килар, тасбех зикр килинган оятдан ўтсалар тасбих айтар, сўраш бор жойда сўрар, панох сўраш бош жойда панох сўрар эдилар. Кейин рукуъ килдилар ва: «Субхана роббиял – азийм» (Буюк роббимни мушриклар сифатлаётган ёмон-нокис сифатлардан

поклайман)» — дея бошладилар. Рукуъларининг узунлиги киёмларига якин микдорда бўлди. Кейин: «Самиаллоху лиман хамидах. Роббана лакал-хамд» (Аллох ўзига хамд айтганларни эшитади. Роббимиз, Сенга хамдлар бўлсин!?) — дедилар. Кейин рукуъларига якин микдорда, узок туриб колдилар. Кейин сажда килдилар ва: «Субхана роббиял-аъло» (Олий Роббимни мушриклар сифатлаётган ёмон сифатлардан поклайман)» — дедилар. Саждалари хам (узунликда) киёмларига якин эди» (Имом Муслим ривояти).

Бомдоддан сўнг

Мадина кечасининг сокинлиги тугаб, тонг ёриша бошлаган пайтда, масжидда бомдод намози жамоат билан ўқилгандан сўнг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам Куёш чиккунига кадар Аллохнинг зикри билан машгул бўлар эдилар. Кейин икки ракаат намоз ўқир эдилар. Жобир ибн Самура разияллоҳу анху деди: «Пайгамбар саллаллоҳу алайхи ва саллам фажр намозини ўқиганларидан сўнг намозгоҳларида Куёш чиккунига кадар ўтирас эдилар» (Имом Муслим ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам бу буюк суннатни килишга рагбатлантириб, ундаги ажру-савобларни эслатдилар. Анас разияллоҳу анху деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам: «Бомдодни жамот билан ўқиган, кейин куёш чиккунига кадар Аллохни ёд килиб ўтирган сўнгра икки ракаат намоз ўқиган одамга бир хаж ва бир умра савоби тўла, тўла, тўла килиб берилади» — дедилар (Имом Термизий ривояти).

Чошгоҳ намози

Кун яримлаб, Куёшнинг харорати кўтарилди, кўйдирувчи гармсел юзга урила бошлади. Бу чошгоҳ вактидир. Бу — харакат ва эҳтиёжларни кондириш махалидир. Пайгамбарлик масъулияти, вакиллар билан учрашиш, сахобаларга таълим бериш ва оила аъзоларининг хакларини адо этиш каби оғир юкларни кўтаришларига карамай, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам Аллоҳ таънолога ибодат килар эдилар.

Муз разияллоҳу анху Оиша разияллоҳу анхога: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам чошгог намозини ўқирмидилар?» — деб сўраганида: «Ха, тўрт ракаат ва ундан зиёда Аллоҳ хоҳлаганича ўқир эдилар» — деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Чошгоҳ намозини ўқишни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам васият килган эдилар. Абу Хурайра разияллоҳу анху деди: «Халилим саллаллоҳу алайхи ва саллам хар ойда уч кун рўза тутиш, икки ракаат чошгоҳ намозини хамда ухлашдан аввал витр намозини ўқишни менга васият килдилар» Бухорий ва Муслим ривояти.

Нафл намозларини уйда ўқиш

Ушбу хонадон Иймон билан обод, зикру — ибодат билан лиммо-лим эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам бизнинг хонадонимиз хам шундай бўлиши кераклигини таъкидлаб, куйидаги васиятни килдилар: «Уйингизда хам намоз ўқинглар! Уйингизни кабристон килиб олманглар!» (Имом Бухорий ривояти).

Ибн Коййим раҳимаҳуллоҳ деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва саллам барча суннат намозларини ва бирор сабабга боғлиқ бўлмаган нафл намозларининг барчасини, хусусан, шом намозининг суннатини уйларида ўкир эдилар. Ул зот суннат намозларни масжида ўқиганлари ривоят килинмаган. Нафл намозларни уйда ўқишнинг фойдалари бор улар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва салламнинг сунатларига эргашиш, хотинлар ва болаларга намоз ўқишни ўргатиш, Шайтонларнинг намоз ва зикрлар сабабли уйдан кувилиши, амалнинг риёдан узок ва ихлосли бўлишидир».

Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва салламнинг йигилари

Эркак ва аёлларнинг кўпи йиглайди! Бирок, йиги кандай ва ким учун бўлиши керак! Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва саллам хохласалар дунёни кўлларига олишлари мумкин бўлган, жаннат олдида ва ўзлари жаннатнинг энг олий макомида бўлишларига карамай йиглар эдилар! Ха, Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва саллам йиглар эдилар! Бирок, бу йиги обидлар йигиси эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва саллам намозда Роббисига муножат килар ёки Куръон тиловатини тинглар экан йиглар эдилр! Бу йиги калбнинг юмшоклиги, юракнинг соғлиги, Аллоҳнинг азаматини билиш ва Аллоҳ таъюлодан кўркиш сабабли эди.

Муторриф ибн Абдуллоҳ отасидан шу ривоятни килади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва салламнинг намоз ўқиётгандарини кўрдим. Йиглагандари сабабли ичларидан козоннинг кайнаши сингари товуш келар эди» (Имом Ахмад ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анху деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва саллам менга: «Менга (Куръон) ўқиб беринг!» — дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, Куръон Сизга нозил бўлган бўлса-ю, мен Сизга тиловат килиб бераманми?» — дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва саллам: «Мен Куръонни бошқалардан тинглашни яхши кўраман» — дедилар. Мен Нисо сурасини хатто «Ва Сизни уларнинг устига гувоҳ килиб олиб келсак» оятига етганимда карасам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва салламнинг кўзлари ёш куяётган экан» (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва салламнинг соchlариниг ярма очадиган жойларидаги хамда муборак соколларидаги ўн саккизтага якин ок мўйлар хакида фикр юритиб кўринг. Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва саллам бу ок тукларнинг сабабини муборак тиллари билан кандай баён килганига бир кулок тутинг. Абу Бакр разияллоҳу анху: «Ё Расулуллоҳ, соч-соколларингизга ок тушибди-ку?!» — деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва саллам: «Ме(нинг соч-соколим)ни «Худ», «Воқеъа», «Вал-мурсалат», «Амма ятасаалун», ва «Изаш-шамсу куввират» суралари оқартириди» — дедилар (Имом Термизий ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва салламнинг тавозелари

Расулуллоҳ саллаллоҳу алаихи ва саллам одамларнинг энг гўзал хулклиси ва энг кадрлиси бўлиб, Оиша разияллоҳу анхо айтганларидек: «хулклари Куръон эди» (Имом Ахмад ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Мен гўзал ахлокларни мукаммал килиш учун юборилдим» — дедилар (Имом Ахмад ривояти).

Умар ибн Хаттоб разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Мени масихийлар Ийсо ибн Маръямни улуглаганлариdek улугламанглар! Балки, Аллохнинг бандаси ва расули, деб айтинглар» — дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Анас разияллоху анху деди: «Бир киши: «Ё Расулуллох, эй яхшимиз, яхшимизнинг ўгли эй саййидимиз, саййидимизнинг ўгли» — деб хитоб килди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Эй одамлар, сизлар менга тўгри гапираверинглар, шайтон сизларни адаштирмасин! Мен — Аллохнинг бандаси ва расули бўлган Мухаммад ибн Абдуллохман. Сизлар мени Аллох кўйган макомдан юкори макомга кўйишингизни хохламайман» — дедилар (Имом Ахмад ривояти).

Баъзи одамлар Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламни хаддан зиёд улуглайдилар ва у зотнинг гайб ишларини билади, зарар ва фойда етказади, муҳтожларнинг эхтиёжини, касалларнинг шифосини берадилар деб эътиқод килишади. Аллох таъоло бу тушунчани бутунлай рад этиб шундай деди: «Айтинг: «Мен ўзимга хам бирон фойда ёки зарар етказишга кодир эмасман. Магар Аллох хохлаган ишгина бўлур. Агар гайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган ва менга бирон ёмонлик-зиёт етмаган бўлур эди» (Аъроф: 188).

Барча оламлар ичида энг афзал бўлган Мухаммад саллалоху алайхи ва саллам Роббиси олдида синик бўлган одамларнинг боши эдилар.

Анас ибн Молик разияллоху анху дедилар: «Сахобалар учун Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан кўра севимлирок бошка одам йўқ эди. Шундай бўлсада, ёктирмасликларини билганлари учун, Ул зотни кўрганларида ўринларидан турмас эдилар»(Имом Ахмад ривояти).

Сиз ўта камтарлик ва нодир гўзал хулк билан бир бечора аёлга ишлари кўп бўлишига карамай вакт ажратган Ислом умматининг пайгамбари саллаллоху алайхи ва салламга бир назар ташланг!

Анас ибн Молик разияллоху анху деди: «Бир хотин Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хузурига келиб: «Сизга эхтиёжим бор» — деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Мадинанинг кўчаларидан хохлаганингда ўтири мен сен билан бирга ўтири(иб эхтиёжингга кулок тут)аман» — дедилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам камтарларнинг камтари эдилар. Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: Агар мени (кўйнинг) кўли ёки оёги (ни ейиш) учун чакирсалар бораман. Агар менга (кўй) оёги ёки кўли совга килинса, кабул киламан» — дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хадислари хар бир асрда мутакаббирлар учун, уларинг кибру хаволари ва гердайишлари олдида тўсик ва кайтарувчи бўлиб колади!

Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анху Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан ушбу хадисни ривоят килади: «Калбида заррача кибри бўлган одам жаннатга кирмайди» (Имом Муслим ривояти).

Кибр —Аллох сакласин— жаханнамга олиб борадиган йўлdir, гарчи у заррача бўлса хам. Каранг, Аллох таъоло гердайиб юрган мутакаббирни кандай жазолади, унга газабни тушириб, кандай азоблар билан азоблади!

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Бир одам чиройли кийимни кийиб олиб, ўзидан ўзи хурсанд бўлиб, соchlari тараплан ва гердайиб юриб кетаётган эди, баногох, Аллох уни Ерга ютириди. У Киёмат кунигача Ернинг тубига караб тушиб бораверади» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хизматкори

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бечора ва заиф хизматкорни килган иши ёки зафлигига караб эмас, балки дини ва таквосига караб ўзига лойик макомга кўйдилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам хизматкор ва мардикорлар хакида шундай дедилар: «Улар сизларнинг биродарларингиздир. Аллох таъоло уларни сизларнинг кўл остингизда килиб кўйди. Уларга еган нарсаларингиздан едирингиз, кийган нарсаларингиздан кийдирингиз ва огир бўлган нарсаларни уларга юкламангиз! Агар огир нарсаларни юкласангиз ёрдам еtingиз» (И мом Муслим ривояти).

Сиз ўз хожаси хакида хайратомуз сўзлар макбул гувохлик ва мактовларни хикоя килиб берувчи хизматкорнинг ушбу сўзлари хакида тафаккур килиб кўринг! Сиз биронта хисматкорнинг ўз хожасига расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хизматкори айтгани каби мактовни айтганини эшитганмисиз?! Анас ибн Молик дейди: «Мен расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга ўн йил хизмат килдим, ул Зот менга бирон марта «Уф» демадилар, биронта килган ишим учун: «Нега бундай килдинг!», килмаган ишим учун: «Нега бундай килмадинг!» демадилар» (И мом Муслим ривояти).

Тўла ўн йил, кунлар ёки ойлар эмас, балки, кувонч ва кайгу, газаб ва маҳзунлик, руҳий изтироб ва ўзгариш, камбагаллик ва бойлик билан ўтган узок умр давомида — Ул Зотга ота-онам фидо бўлсин — хизматкорини жеркимади, балки, уни тақдирларди, қалбига таскин бериб, унинг ва оиласининг эҳтиёжларини кондириарди хамда уларнинг хаккига хайрли дуолар киларди!!

Анас разияллоху анху деди: «Онам: «Ё Расулуллох, хизматкорингиз хакига дуо килинг!» — деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Аллоҳим, унга бойлик ва фарзандларини сероб кил ва унга берган нарсаларингда барака ато эт!» — дедилар» (И мом Бухорий ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам шиҷоатли бўлишларига карамай, хакли ўринлардагина хўрлаганлар ва урганлар. Кўл остидаги хотинлари ва хизматкорларидан иборат заифларга хеч качон каттиклик килмаганлар!

Оиша разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кўллари билан бирон нарсани урмадилар, на бир хизматкорни ва на бир хотинни магар Аллох йўлида жиход килганларидағина (душманларни) урдилар.» (И мом Муслим ривояти).

Ана, уммулмуъминийн Оиша разияллоху анху яралмишларнинг афзали ва одамларнинг сарвари Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам учун яна бир бор гувохлик бермокда. Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва салламнинг гўзал хаёти хакида кўп гапришган. Хатто, Курайш кофиirlари хам Ул зотга яхши гувохлик берган эдилар.

Оиша разияллоху анхо: «Мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг ўзига килинган зулм, модомики, Аллоҳнинг харомларини килиш билан бўлмас экан, бирор бир кимсадан ўч олганларини кўрмадим. Агар Аллоҳнинг харомларини килинган бўлса, Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан кўра

газаблирок одам йўқ эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга икки ишни танлаш ихтиёри берилса, модомики гуноҳ бўлмас экан, кулайини танлар эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мулойим ва оғир – босик бўлишга даъват этар ва: «Аллоҳ халимдир ва ҳар бир ишда халимликни яхши кўради» — дер эдилар» Бухорий ва Муслим ривояти.

Совга ва меҳмон

Хиссий қувончга бўлган эҳтиёж ва истаклар жамият, оила ва хонадонда доимо мавжуддир. Калбларни бир бирига якинлаштирадиган ва улардаги гина-кудуратларни эритиб юборадиган нарсалардан бири — совгадир!!

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам совгаларни қабул килар ва унга муносиб мукофотлар берар эдилар» — деди (Имом Бухорий ривояти). Зеро, совга бериш ва миннатдорчилик изхор этиш, калб саховати ва юрак тозалигининг нишонасиdir.

Саховат — набийлар ва расулларнинг ахлоқидан бири бўлиб, пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу борада хаммадан пешкадам эдилар. Ахир куйидаги сўзларни айтган у зот эмасми?!

«Ким Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини сийласин. Меҳмонни сийлаш ҳакки бир кеча-ю, бир кундуздир. Меҳмондорчилик уч кундир. Ундан кейингилари садакадир. Мезбонга огиrlак бўлгунича кадар колиш, меҳмон учун ҳалол эмасдир» (Имом Бухорий ривояти).

Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, тоглар, чўллар, Хижоз ва Араб ярим ороли, хатто, бутун дунё Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам каби олий ахлоқли ва олижаноб биронтасини кўрмади. Хурматли китобхон, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг — ота-онам унга фидо бўлсин — ўта мухим ҳолатларидан бирини кўриш учун тайёр бўлинг!!

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу деди: «Бир хотин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга чопон келтириб: «Буни сизга кийридаман деб ўз кўлларим билан тўкидим» — деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга мухтоҷ бўлган ҳолларида олдилар. Бизнинг олдимиизга уни лунгу шаклида ўраб чиқдилар. Бир одам: «Бу жуда ҳам чиройли экан. Уни менга беринг» — деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Майли» — дедилар ва бир оз ўтиргач уйига кайтдилар, тўнни таҳлаб, уни ҳалиги одамга жўнатдилар. Саҳобалар у одамга: «Яхши иш килмадинг! Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мухтоҷ бўлганлари учун кийган эдилар, сен бўлсанг уни сўраб ўтирибсан, биласанки ул зот сўраган одамнинг кўлини бўш кайтармайдилар» — дедилар. У одам: «Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мен у кийимни кийиш учун эмас, кафанлик килиш учун сўрадим» — деди. Саҳл айтади: Хакикатан ҳам, у кийим ўша одамга кафан килинди» (Имом Бухорий ривояти).

Сиз Аллоҳ таъоло саралаб олган ва ўзи тарбиялаган ва намуна килган зотнинг ҳулқидан хайратланманг! Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саховат бобида хайратомуз ишларни килдилар. Ҳаким ибн Хизом разияллоҳу анҳу деди: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадим, бердилар. Яна сўрадим, бердилар. Яна сўрадим, бердилар кейин: «Эй Ҳаким, бу мол яшил ва шириндир! Уни калб саховати билан олган одамга баракали килинади. Нафс очқўзлиги билан олган кишига эса баракали килинмайди. Унинг мисоли ейдию бирок, тўймайдиган одамга ўхшайди. Юкори кўл куйи кўлдан яхшироқдир..» (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Жобир разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан бирон нарса сўралса, хеч качон «Йўқ» деб айтмадилар» (Имом Бухорий ривояти:6034).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг кўлларидағи мисли кўрилмаган бу саховат ва олийжаноблик билан бирга, ул зотнинг калбларидағи самимилик, содик мухаббат ва чиройли муомаларининг хам мисли йўқ эди. Ул зотнинг бирга ўтирган хар бир кишига табассум килиш ва якин тутиш одатлари бор эди. Бу билан хар ким ўзининг Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга энг севимли кишиман деб ўйлар эди.

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоху анху деди: «Исломни кабул килганимдан сўнг, Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан айрилсам ёки у зотга дуч келсан, доимо таббасум билан кутиб олар эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Шохидларнинг сифатида сиз учун кифоя ва ибрат бордир.

Абдуллоҳ ибн Хорис: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан кўра сертабассум бошка бирорни кўрмадим» — деди Имом Термизий ривояти.

Севимли дўстим, сиз бундан нега хайратланасиз? Холбуки Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Дўстингиз юзига килган табассумингиз — садакадир» — деган бўлсалар! (Имом Термизий ривояти).

Хизматкори Анас разияллоху анху Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдаги сифатларни шундай тарифладики, у сифатлар бир одамда эмас-хатто бир неча одамда хам жам бўлмайди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ўта илтифотли зот эдилар. Эҳтиёжини сўраган хар бир одамга кулок солар, у одам бурилиб кетмгунича ўгирилмас эдилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кўлларини олмокчи бўлган хар кимсага кўлларини узатар, кўл берган одам кўлинини бўшатмагунича кўлларини тортиб тортиб олмас эдилар.» (Абу Наъим «Далоил» китобида накл килди).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам эхсонли ва хушмуомала мезбон бўлишларига карамай, гунох ишларни кўриб колсалар кайтарар ва унинг бўлишига рози бўлмас эдилар. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бир кишининг кўлида тилло узукни кўриб колдилар, уни (унинг бармокларидан) чикариб отиб юбордилар ва: «Сизлардан бирингиз жаханнам чўгини олиб, уни бармогига такиб оладимия?!» — дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Болаларга шафкат

Тошбагир инсонлар меҳрибонликни билмайди. Уларнинг калбида меҳрнинг асари хам йўқдир! Улар каттик тошга ўхшаб, на бера оладилар ва на ола оладилар. Улар энг оддий инсоний туйгу ва хиссиётлардан хам маҳрумдирлар. Аммо Аллоҳ таъоло юмшок калб ва жўшган меҳр берган кимсалар — намунали ва меҳрибон калб сохибидирлар-ки, уларни раҳмат ўраб, туйгулар харакатлантиради!

Анас разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ўгиллари Иброҳимни кўлларига олиб ўпдилар ва хидладилар» (Имом Бухорий ривояти).

Бу меҳр Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг якинларигагина хос эмас, балки, барча мусулмонларнинг фарзандлари учун эди.

Жаъфар разияллоху анхунинг хотини Асмо бинти Умайс шундай деди: «Менинг олдимга Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кирдилар ва Жаъфарнинг болаларини чакирдилар. Мен ул зотнинг (уларни багирларига

босиб), хидлар ва кўзларидан ёш куйилар эди. Мен: «Жаъфарга бирон нарса бўлдими?» — деб сўрасам: «Ха у буган халок бўлди» — дедилар. Барчамиз йиглай бошладик. Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам кайтиб кетдилар ва ахлига: «Жаъфар хонадонига таом тайёрланглар! Чунки, уларнинг бошига машгул киладиган нарса келди» — дедилар» (Ибн Саъд, Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти).

Болаларининг ўлими сабабли кўз ёшлари келган пайтда Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламга Саъд ибн Убода разияллоҳу анху: «Ё Расууллоҳ, бу нимаси?» деганида, Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам: «Бу — Аллоҳ таъюл бандаларининг калбига кўйган раҳм-шафкатdir. Дарҳакикат, Аллоҳ бандалари ичидан раҳмлиларигагина раҳм килади» — дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг кўзлари ўғиллари Иброҳимнинг вафоти сабабли ёш тўkkанида Абдуроҳман бин Авф разияллоҳу анху: «Ё Расууллоҳ, Сиз-а?!» — деб савол берганида: «Эй Авфнинг ўғли, бу — раҳматdir» — деб жавоб бердилар ва шуни кўшимча килдилар: «Кўз ёш тўқади, калб кайгуради, биз факат Роббимизни рози киладиган сўзларни айтамиз. Эй Иброҳим, Биз сендан ажралганимиз учун кайгудамиз» (Имом Бухорий ривояти).

Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг буюк хулки, намуна олиш ва у зотнинг изидан кетишимизга чакирмокда. Зоро, биз бу асрда болаларга бўлган шафкат ва уларни ўз макомига кўйишини унутдик. Ахир улар эртанинг оталари, Умматнинг кишилари ва кутилган тонгги эмасми?! Биздаги жаҳолат, калтафаҳмлик ва кибр шу даражага етиб бордики, болаларнинг калбларини очадиган калитни йўқотдик! Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг калити эса кўли ва тилидадир. У зот болаларни севишлари, кадрлашлари ва уларни баланд мартабага кўйганларини кўрмадингизми?!

Анас разияллоҳу анху болалар олдидан ўтар экан, уларга салом берар ва: «Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам шундай килар эдилар» — дер эди (Бухорий ва Муслим ривояти).

Табиийки, болаларни ўзига хос кийинчиликлари ва тўполонлари бўлар, бирок, Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам уларни жеркимас, сўкмас ва уларга дашном бермас, балки, уларга хотиржамлик ва мулојимлик билан муомола килар эдилар.

Оиша разияллоҳу анхо дедилар: «Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг хузурига болаларни олиб келинар, Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам уларнинг хаккига дуо килар эдилар. Бир болани олиб келгандарида у Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг кийимларини «хўл» килди. Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам сув олиб келишни буюрдилар ва у сувни «хўллик» устидан куйдилар. Бирок, «хўллик» ни (сикиб) ювмадилар» (Имом Бухорий ривояти).

Хурматли китобхон, сиз пайгамбарнинг уйида ўтирад экансиз, болаларнингизни эркалаш, ўғилларингиз билан хазиллашиш ва уларнинг қулгилари ва ширин сўзларини эшитиш хаёлингизга келмадими?! Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам буларнинг хаммасини килар эдилар! Ота-онам Унга фидо бўлсин!

Абу Хурайра разияллоҳу анху деди: «Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам Хасан ибн Алийга тилини чикаарар, бола уни кизиллигини кўриб кулар эди» («ас-силсилатул-саҳиха», хадис: 70).

Анас разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Умму саламанинг кизи Зайнабни эркалатар эканлар: «Зайнабча, Зайнабча» — деб бир неча марта такрорладилар» (ал-Ахадисис-саҳиха): 2141. «Саҳиҳул-Жомеъ»: 5052).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг болаларга бўлган шафкати шу даражада эдики, ибодат асносида кизлари Зайнабнинг кизи Умомани кўтариб намоз ўқир, сажда кимлокчи бўлсалар, ерга кўяр эдилар» Бухорий ва Муслим ривояти.

Махмуд ибн Рабиъ разияллоху анху деди: «Мен беш ёшда эдим. Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг ховлимиздаги қудукдан челякда сув олиб, юзимга бир ховуч сепгандарини хотирлайман» Бухорий ва Муслим ривояти.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам катта-ю, кичикка таълим берар эдилар. Абдуллох ибн Аббос разияллоху анху деди: «Кунларнинг бирида Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг оркаларида эдим (менга) «хой бола, мен сенга шу сўзларни ўргатаман: Аллохни ёдингда тут, сени саклайди, Аллохни ёдингда тут, Уни олдингда кўрасан, (эҳтиёжингни) сўрасанг, Аллоҳдан сўра, ёрдам сўрасанг Аллоҳдан сўра!» И мом Термизий ривояти.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг муборак шамоиллари ва уфурган сийратларининг баъзиси билан яшагандан сўнг, шояд биз хам улар билан калбларни тирилтирасак ва улар ортидан юриб хаётда бир из колдирасак. Шундагина уйларимиз оталар мухаббати, оналар шафкати ва жажжи калбларига сурур киритишга муҳтоҷ бўлган болалар билан гуллаб, яшнайди. Натижада, кичкинтоллар рухияти мутаносиб, ахлоки гўзал бўлиб етишадилар-да, Умматга мард кишилар каби йўлбошчилик киладилар. Унутмангки, уларнинг Аллоҳнинг тавфиқидан сўнг, оталар ва оналаргина яратадилар!!

Хилм, мулойимлик ва сабр

Зўравонлик, хукукларни куч ишлатиб поймол килиш золимлар аломатидир. Пайғамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам эса ўз хаккини олишда хакдорларга ёрдам бериш ва адолат коидаларини тузиб кўйдилар. Холбуки, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам эгулик ва эзгулик йўлида Аллоҳ субханаху ва таоло ато этган буюриш ва таъкидашни жорий килдилар. Биз Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг уйида зулм, каттиқкўллик, тажовузкорлик ва талон-тарожлик бўлишидан кўркмаймиз.

Оиша разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кўллари билан Аллоҳ йўлидаги жиходдан бошка пайтда на бир хотинларини ва на бир хизматкорларини урдилар! Шахсиятларига нисбатан килинган ишлардан ўч олмас эдилар. Аллоҳнинг харомларини килинган пайтдагина Аллоҳ таоло учунгина интиком олар эдилар» (И мом Аҳмад ривояти).

Анас разияллоху анху деди: «Мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам билан йўлда кетар эдим. Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг эгниларида четлари дагал килиб тикилган Нажроний тўн бор эди. Бир аъробий ул зотга етиб олди-да, Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг тўнларидан каттик тортиди. Мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг бўйинларида каттик тортиш оқибатида тўннинг дагал четлари из колдирганини кўрдим. Кейин у аъробий: «Эй Мухаммад, амр этгин, хузурингдаги Аллоҳнинг молидан (менга хам берилсин)» — деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам унга ўгирилиб карадилар ва кулдилар. Кейин унга беришга амр этдилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Хунайн жангидан кайтганларида аъробийлар эхтиёжларини айтиб у зотга эргашдилар ва бир дараҳт олдига сикиб олиб бориб кўйдилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам туяларига мингандеки холларида эдилар, халиги дараҳт у зотнинг тўйнларини илиб колди. Шу пайтда Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Тўнимни кайтириб беринглар! Сизлар мени баҳиллик килишимдан кўркяпсизларми?! Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, шу дараҳтлар сонича туяларим бўлса, ўртангизда таксим килиб берар эдим, кейин эса мени баҳил, кўркок ва ёлгончи эмаслигимни билар эдингиз» — дедилар (Имом Багавий, «Шархус-сунна». Албони бу хадисни «саҳих», деди).

Барча ишлардаги мулойимлик, манфаатларни билиш ва заарларни кайтариш таълим-тарбиянинг энг гўзал кўринишларидандир.

Сахобаларни гайирликлари тутди. Чунки, улар хато килаётган одамни кўриб туришган ва унга инкор килиш учун унинг олдига шошишган эди. Улар эса бунга хакли хам эдилар. Бирок, халим пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам уларни тўхтатдилар. Чунки, бу ишни килган одам жохил ва унга каттик инкор килишнинг ортида заар бор эди. Бу ўринда Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг килган ишлари тўғрирок эди.

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Бир аъробий масжидга бавл килди (сийди). Шунда сахобалар уни айблаш учун ўринларидан турдилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам эса: «Уни ўз холига кўйинглар ва бавли устидан бир чеълак сув куйинглар. Сизлар кийинлаштирувчи эмас, енгиллаштирувчи килиб жўнатилгансизлар!» — дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг даъват ишида килган сабрлари ундан намуна олиш, унинг услубини кўллаш ва ўзи учун ўч олмасликка чакирмокда. Оиша разияллоху анхо: «Ухуд кунидан кўра бошингизга оғиррок бир кун келганми?» — деб савол берганида Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам шундай жавоб бердилар: «Сизнинг кавмингиздан кўп нарса кўрдим. Уларнинг энг огири Акаба куни бўлган эди. Мен ўзимни (химоя килиши учун) ибн Абдёлил ибн Абдкилалга кўндаланг килдим. У мен хохлаган нарсани кабул этмади. (Мен у ердан) гамгин холатда бошимни эгиб юриб, Карнус Саолибга етиб келганимни сезмай колибман. Бошимни кўтардим, бир парча булат менга соя солиб турар эди. Карасам, у булатда Жибрил алайхиссалом ўтирибди. Шу пайт у менга нидо килди: «Аллоҳ таоло кавмингизнинг Сизга берган жавобларини эшитди ва сизга Тоглар фариштасини (кавмингиз) хакида хохлаган нарсангизга буюришингиз учун юборди» — деди. Тоглар фариштаси менга нидо килиб, салом берди ва: «Эй Мухаммад, Аллоҳ таоло кавмингизнинг сизга айтган сўзларини эшитди. Мен Тоглар фариштасиман. Роббингиз мени сизнинг хузурингизга мени хохлаган нарсангизга буюришингиз учун жўнатди, сиз нима хохлайсиз? Хохласангиз икки тогни уларнинг устиларига ёпиб кўяй?!» — деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Йўқ, мен Аллоҳ таолодан уларнинг пуштикамарларидан Аллоҳнинг ўзигагина ибодат киладиган Унга бирон нарсани шерик килмайдиган одамларни чикаришини умид киламан» — дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Баъзи одамлар бугунги кунда даъват ишида шошталоклик килиб, хосилни тезрок олишни хохлайдилар. Нафс учун ўч олиш даъватга ва унинг ихлосига путур етказади. Шунинг учун хам, баъзи даъватлар унинг даъватчилари ўртасида мазкур иш ёйилгани учун мувафқиятсизликка дучор бўлди. Ахир сабр ва тахаммуллик каерда?!

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг умид килган нарсалари бир неча йиллар ўтганидан хамда сабру- курашлардан сўнг рўёбга чикмадими?!!

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху деди: «Мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг Аллохнинг пайгамбарларидан бирини (уларга Аллохнинг салавоту саломлари бўлсин!) кавми конатгани, у конни юзидан артиб: «Аллоҳим, кавмимни кечир! Чунки улар, билмайдилар!», деб, хикоя килганларини хали хам кўриб тургандекман» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Кунларнинг бирида Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг сахобалар билан жанозада эдилар Зайд ибн Суъна исмли яхудий карзини талаб килиб у зотнинг олдига келди ва Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг чопонларининг ёкасини жамлаб, тутиб, газабнок холатида бокди ва «Хой Мухаммад, хаккимни бермайсанми?!» — деб, кўпол сўзларин айта бошлади. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху аччикланиб, Зайдга бокди, унинг кўзлари газабининг каттиклигидан чанокларидан чикаёзганди: «Хой Аллохнинг душмани, сен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга мен эшигтан сўзларни айтиб, мен кўрган ишларни килаяпсанми?! У зотни хак билан юборган Зотнинг номига онт ичиб айтаманки, Унинг маломатидан чўчимаганимда эди, сенинг каллангни киличим билан олар эдим!» — деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Умар розияллоху анхуга хотиржамлик билан боқдиларда: «Эй Умар, мен ва у бундан бошка нарсага муҳтож едик. Сиз мени (карзни) яхши ўташга, уни эса карзини чиройли сўрашга чакиришининг керак эди. Эй Умар, уни олиб бориб, хаккини беринг ва йигирма соъ хурмони зиёда килинг!» —дедилар.

(Яхудий) Зайд Умар розияллоху анхунинг йигирма соъ хурмони ошириб берганидан сўнг: «Эй Умар, бу ортиқчаси нима учун?» — деб сўради. Умар розияллоху анху: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам сенинг килган газабинг звазига буни зиёда килдилар!» — деди. Зайд: «Эй Умар, мени танийсанми?» — деди. Умар розияллоху анху: «Йўк, сен кимсан?» —деди.

— Зайд ибн Суънаман.

— Хабр (рухоний) ми?

— Хабр (рухоний).

— Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга нега ундей муомала килиб, у сўзларни айтдинг?

Эй Умар, мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг юзига караганимда пайгамбарлик белгиларининг иккитасидан бошка хаммасини кўрдим. Бу иккисини синаб кўрмаган эдим: халимлиги жаҳлига голиб келадими ва жаҳлининг ошиши халимлигини зиёда киладими? Мен энди у иккисини синаб кўрдим. Эй Умар, сени гувоҳ килиб айтаманки, Аллохни Парвардигор, Исломни дин ва Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламни пайгамбар деб рози бўлдим. Яна сени гувоҳ килиб айтаманки, бойликларимнинг ярми Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламнинг Умматига садака бўлсин. Умар розияллоху анху айтдиларки: Уларнинг баъзилари учун бўлаколсин. Чунки, сен уларнинг хаммасига етқиза олмайсан. Зайд, баъзиларига бўлаколсин — деди. Зайд Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг олдига келди ва: «Ашҳаду анла илаха иллаллох ва ашҳаду анна Мухаммадан абдуху ва расулуху» «Аллоҳдан бошка (хак) илоҳ йўқ ва Мухаммад Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман» — деди, у зотга иймон келтириб, уни тасдиклади. (Хоким «ал-Мустадрак» китобида бу хадисни зикр килиб, «сахих» деди).

Биз бу холат, унинг хотимаси ва узок давом этган сухбат хакида ўйланиб кўрайлик. Шояд Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг одамларга нисбатан килган сабрлари, уларни мулойимлик ва хилм билан кандай даъват

этганлари, яхшилик килсалар кандай рагбатлантирганлари ва уларга кандай кувонч улашганларидан ўрнак олсак.

Оиша разияллоху анхо деди: «Мадинадан Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам билан бирга умра килиш учун чикдим. Маккага етиб келгач: «Ота-онам фидо бўлсин, ё Расулаллох саллаллоху алайхи ва саллам, (намозни) каср (икки ракаат килиб) хам, тўла (тўрт ракаат) килиб хам ўқидим. Рўзадор хам, оғзи очик хам бўлдим» — дедим. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Эй оиша, яхши килибсиз!» — дедилар ва мени айбламадилар» (Насойи ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг таомлари

Дастурхонлар ва козон-товоклар халкнинг юкори табакаси ва бошликларининг уйларида бориб келаверади. Юртлар-у одамлар Умматнинг пайгамбари Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламнинг кўл остида. Туялар устида озик-овкатлар юклangan холда келар, у зотнинг олдларида олтин-кумуш тўлиб-тошар эди! Айтингчи, Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг еб-ичишлари кандай бўлганди?! Подшохлар хаёти каби эдими, ёки улардан кўра буюк ва азаматли эдими? Давлатманд бойларнинг овкатлари каби эдими? Ёки уларнидан яхширок эдими?! Сиз Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг таоми, унинг озлиги ва соддалигини кўрганингизда хайратга тушманг!

Анас разияллоху анху бизга ривоят килиб деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг олдида камдан кам холатларда нон ва гўшт пешинлик ёки кечки овкат пайтида жамланган». (И мом Ахмад ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам жуда хам кийинчилик билан коринларини тўйдирап эдилар. Ёхуд факат меҳмонлар билангина коринларини тўйдирап эдилар. Унда хам меҳмонларнинг кўнгли учун мажбур коринларини тўйдирап эдилар.

Оиша разияллоху анхо деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам вафот этгунларига кадар у зотнинг оила аъзолари кетма-кет икки кун арпа нонига тўймаганлар. (И мом Муслим ривояти). Бошка бир ривоятда эса: «Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламнинг оила аъзолари Мадинага келгандан сўнг, кетма-кет уч кеча бугдой нонига тўймадилар токи ул зот кабз рух бўлдилар» (И мом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Балки, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ейдиган бирон нарса топа олмай, оч ухлар эдилар! Абдуллох ибн Аббос разияллоху анхумо деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ва унинг оиласи кетма-кет кечаларда кечки овкат учун бирон нарса топа олмасдан оч ухлар эдилар. Уларнинг нони кўпроқ — арпа нони эди» (И мом Термизий ривояти).

Гап озлик ва танқисликда эмас. Чунки, бойликлар Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг кўл остида тўлиб тошган ва хузурига юклар ортилган туялар келар эди. Лекин Аллоҳ таоло пайгамбари саллаллоху алайхи ва саллам учун мукаммал ва энг тўғри хаётни танлаган эди.

Укба ибн Хорис разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам биз билан бирга аср намозини ўқидилар кейин, шошилиб уйларига кириб кетдилар. Хеч канча вакт ўтмади хамки, кайтиб чиқдилар. Бўлган холат хакида мен сўрадим ёки бошка одам сўради. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Уйда садакадан бўлган олтинни колдирган эдим. Уни кечаси билан

олиб колишни ёқтирмадим-да, таксим килиб юбордим» — дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Хайратомуз саховат ва мисли кўрилмаган эхсонкорлик, бу Умматнинг пайгамбари саллаллоҳу алайхи ва салламда мужассам эди. Анас разияллоҳу анху деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам исломга кириш эвазига ҳар нарсадан сўралсалар берардилар. Ҳатто, бир киши келганида икки тог орасидаги кўйларни бердилар. У одам кавми олдига бориб: Эй кавмим мусулмон бўлинглар, албатта Мухаммад камбагалликдан кўркмаган кишиларнинг эхсонини килмоқда!» — деди» (Имом Муслим ривояти).

Мана шу эхсон ва соҳоват соҳиби бўлган пайгамбарнинг ахволи хакида тафаккур килиб кўринг! Анас разияллоҳу анху деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам вафот етгунларига кадар на хон устида овкатландилар ва на юпка нон едилар» (Имом Бухорий ривояти).

Оиша разияллоҳу анхонинг хузурига Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам келар ва: «Овкатингиз борми?» — дер эдилар, Оиша разияллоҳу анхо: «Йўқ» деб айтса: «Мен бугун рўза тутдим» — дердилар. (Имом Муслим ривояти).

Бир ёки икки ой ўтар, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам хонадони факат хурмо ва сув билангина кун кечирав эди. (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Таомлари ва таом турларининг озлигига карамай Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг олий ахлоки ва исломий одоби Аллохнинг неъматига шукроналар келтириш, таомни тайёрлаганларга миннатдорчилик билдириш, хато килсалар, айбламасликка ундар эди. Чунки, у (хато килувчи) тиришган, бирок, хато килган-да. Шунинг учун хам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам таомни айбламас, пиширувчини маломат килмас, бор нарсани рад, йўқ нарсани талааб килмас эдилар! Уммат пайгамбари саллаллоҳу алайхи ва салламнинг гами корни ва овкати эмас эди!

Абу Хурайра разияллоҳу анху деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам хеч качон томани айбламаганлар: агар хохласалар еганлар, хохламасалар емаганлар» (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Севикли дўстларимиз учун шайхулислом ибн Таймийя раЖимахуллоҳнинг сўзларини муҳтасар килиб келтирмокчиман:

«Ейиш ва кийинищдаги энг яхши йўл — Мухаммад саллалоҳу алайхи ва салламнинг йўлидир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам имкони бўлган нарсани иштаха килса ер, бор нарсани кайтармас, йўқ нарсани талааб килмас эдилар. Агар нон ва гўшт хозир бўлса ер эдилар. Агар мева, нон ва гўшт хозир бўлса ер эдилар. Агар хурмонинг ўзи ёки ноннинг ўзи хозир бўлса ер эдилар. Агар икки хил таом хозир бўлса: «Мен икки хил таомни емайман» демас, лаззатли ва ширали таомлардан бош тортмас эдилар. У зотнинг сўзларидан: «...Лекин Мен рўза хам тутаман, оғзим очик хам бўлади. (кечалари намоз учун) тураман хам, ухлайман хам. Хотинларга хам уйланаман. Гўшт хам ейман. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгириб, майилликларига берилган инсонлар. (Иккинчиси эса),

Аллоҳ таоло халол нарсаларни ейиш ва Аллоҳ таолога шукр этишга амр этди. Шунинг учун хам, халол нарсаларни ҳаром килган одам, хаддидан ошган, Аллоҳга шукр килмаган одам эса, Аллоҳнинг ҳаккини зое килган танбал бўлади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг йўли — энг тўгри йўлдир. Ундан бурилиш эса икки тарафга олиб борадир: исроф килган ва маъсулиятларни адо этишдан юз ўгириб, майилликларига берилган инсонлар. (Иккинчиси эса),

халол нарсаларни харом килган, Аллох таоло буюрмаган рохибликни ўйлаб топган инсонлар. Холбуки, Ислом динида рохиблик йўқдир».

Давом этиб рохимахуллох шундай дейди: «Хар бир халол — ёкимлидир. Хар бир ёкимли халолдир. Аллох таоло бизга ёкимли нарсаларни халол килиб, ифлос нарсаларни харом килди. Унинг ёкимлилиги, биз учун фойдали ва лаззатли бўлишидир. Аллох таоло бизга заарли бўлган хар бир нарсани харом килди, фойдали бўлган барча нарсага рухсат берди».

Кейин, яна шундай дедилар: «Одамлар емок, киймок, очлик ва тўклиқда турлича бўладилар. Хаттоки, бир кишининг холи хам турлича бўлиши мумкин. Бирок, амалларнинг энг яхшиси Аллох таология итоатли ва килган одамга фойдали бўлганидир» (Ибн Таймийя, «Мажмуъул-фатово: 22\310 (кискартиб олинди).

Бошқаларнинг шарафини химоя килиш

Мажлисларнинг энг яхшиси — илм ва зикр ўтиришлари. Агар шу мажлисда Одам фарзандининг сараси ва Уммат муалими ўзининг сўзлари, таълимлари ва ўгитлари билан иштирок этсалар нима дейсиз! Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам мажлисларининг соф ва сийратининг тозалиги сабабли хато килганларни тузатар, билмаганларга ўргатар, гофил колганларни огохлантирас ва мажлисларида факатгина яхшиликларнигина кабул килар эдилар. Агар бировга кулок солсалар, жим эшитар, бирок, гийбатни кабул килмас, чакимчилик ва тухматларга рози бўлмас эдилар.

Итбон ибн Молик разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам менинг уйимда намоз ўкиб бўлганларидан кейин уйдагилардан бири: «Молик ибн Духшун каерда?» — деди. Бир киши: «У Аллох ва расулини яхши кўрмайдиган мунофиқдир» — деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Ундей дема, кўрмайсанми, у «Ла илаха иллаллох» деган ва у бу билан Аллохнинг юзини хохлайди. Дарҳакикат, Аллох, Аллохнинг юзини умид килиб: «Ла илаха иллаллох» — деган одамни жаханнамга харом килди» — дедилар» (Ином Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ёлгондан гувохлик бериш ва хукукларни тортиб олишдан огохлантирас эдилар!

Абу Бакр разияллоху анху деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Катта гунохларнинг каттарогини айтиб берайми?» — дедилар. Биз: «Ха, эй Расулуллох» — дедик. «Аллохга шерик килиш ва ота-онага ок бўлиш» — дедилар. Ёнбошлаган эдилар, ўтириб олдилар: «Огох бўлинглар! ёлгон гувохлик бериш» дедилар. Бу сўзни такрорлайвердилар, такрорлайвердилар хатто: «Кошки, сукут сакласалар!» — деб колдик» (Ином Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Уммул мўъминийн Оиша разияллоху анхога мухаббатлари буюк бўлсада, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам гийбат килишларини инкор килдилар ва гийбатнинг катта хатарларини баён килдилар.

Оиша разияллоху анхо дедилар: «Мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга: «Софиянинг бундай-бундай бўлиши етарлидир» — дедим». Баъзи ровийлар бу сўзлари билан София разияллоху анхонинг бўйи пастилигидан киноя килдилар дедилар. «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Сиз шундай бир сўзни айтдингиз-ки, агар уни денгиз сувига аралаштирилса, денгиз сувининг барчасини бузар эди» — дедилар (Ином Абу Довуд ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам биродарларининг шарафларини химоя килган одамга башорат бериб дедилар: «Биродарининг шарафини гийбатдан химоя килган одамни жаханнам азобидан озод килиш, Аллох таолонинг зиммасида хакдир» (Имом Ахмад ривояти).

Аллох таолони кўп зикр килиш

Биринчи мураббий ва Уммат пайгамбари Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам ибодат килиш ва калбни Аллохга боглашга катта эътибор берар эдилар. У зот бир лахзани Аллохнинг зикри, хамди, шукри, истиғфор ва Аллохга ялинишсиз ўтказмас эдилар. Холбуки, у зотнинг аввалги ва кейинги барча гуноҳлари кечирилган эди. У — шукроналар келтирган банда ва пайгамбар, хамдлар айтувчи расулдир. У Роббисининг кадрини билди, Унга хамд айтиб, дуо килди ва ялинди, вактининг кадрига етиб, ундан фойдаланди ва унинг тоат-ибодат билан обод бўлишига харис бўлди.

Оиша разияллоху анҳо дедилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Аллох таолони ҳар лахзада зикр килар эдилар» (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анхумо деди: «Биз Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг бир ўтиришда «Роббигфирилй ва туб алайя иннака антат таввабур роҳим» «Роббим, мени кечир ва тавбаларимни кабул эт. Сен раҳмли ва тавбаларни кабул этувчи зотсан» — деб юз марта такрорлаганларини санар эдик» (Имом Абу Довуд ривояти).

Абу Хурайра разияллоху анҳу деди: «Мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг: «Аллох номига онт ичиб айтаманки, мен бир кунда Аллохга етмиш мартадан кўпроқ истиғфор айтиб, тавбалар киламан» деганларини эшитганман» (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анҳу деди: «Биз бир йигинда Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг юз мартадан ортиқ: «Роббигфирилй ва туб алайя иннака антат таввабур роҳим» «Роббим мени кечир ва тавбаларимни кабул килгин. Чунки, Сен — меҳрибон ва тавбаларни кабул килувчи зотсан» — деб айтганларини санар эдик» (Имом Термизий ривояти).

Уммул мўъминийн Умму Салама розияллоху анҳо хузурида бўлганларида Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг кўп килган дуолари: «Ё Мукаллибал кулуб саббит калбий ала дийник» «Эй калбларни айлантирувчи зот, менинг калбимни динингда мустахкам кил!» бўлганини зикр этди. (Имом Термизий ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг кўшниларга муносабати

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг кўшниларга муносабати кандай яхши эди-я! Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг калбида кўшни учун алоҳида ўрни бор эди. Хатто, У зот: «Жибрил менга кўшни хакида васиятни шунчалар кўп килди-ки, мен кўшни меросхўр бўлиб колармикин, деб ўйладим» — дедилар (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Абу Зар разияллоху анхуга: «Эй Абу Зар агар гўшт кайнатсанг, сувини кўпроқ куй ва ундан кўшниларингга хам бер!» — деб васият килган эдилар (Имом Муслим ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кўшниларга озор беришнинг ёмон окибатларидан огохлантиридилар: «Кўшниси унинг ёмонликларидан хотиржам бўлмаган одам жаннатга кирмайди» (Имом Муслим ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Кимки Аллох ва охират кунига иймон келтирган бўлса кўшнисига яхшилик килсин!» — деб айтганлариdek яшаган кўшниларга хушхабарлар бўлсин!

Чиройли муомала

Оиша разияллоху анҳо дедилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга бирор киши хакида бирор нарса етиб колса: «Фалончи нега ундан дейди?» — деб айтмас, балки: «Одамларга нима бўлди, нега ундан-бундан деяптилар?» — дер эдилар» (Имом Термизий ривояти).

Анас ибн Молик разияллоху анҳу деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам хузурига юзида сарик рангнинг изи бўлган бир одам кирди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам юзида ёқтирамаган нарсаси бўлган одамнинг юзига карамас эдилар. У одам чиккандан сўнг: «Унга айтсангизлар юзидаги нарсани ювуб ташласа» — дедилар» (Имом Ахмад ва Абу Довуд ривояти).

Ибн Масъуд разияллоху анҳу деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Сизларга жаханнамга харом бўладиган ёки жаханнам унга харом бўладиган кимсадан дарак берайнми? Жаханнам мулоим, халим ва бошкаларга ўзини якин тутган кишига харомдир» Имом Термизий ривояти

Хакларни адo этиш

Инсон зиммасидаги хаклар кўпdir. Аллохнинг хакки, оила хакки ва нафс хакки. Бундан ташкари бандаларнинг хаклари хам бор. Сиз нима дейсиз, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам вактларни кандай таксимлаб, кунларидан кандай фойдаланган эканлар-а?!

Анас разияллоху анҳу деди: «Уч киши Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хонадонига келиб, пайгамбаримизнинг ибодатлари хакида сўрадилар. Уларга Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг ибодатларини айтиб берилганида, гўёки улар зикр килинган амалларни кам санагандек бўлдилар ва: «Биз каерда-ю, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам каердалар? У зотнинг аввалги-ю, охирги гунохлари кечирилган бўлса?» — дедилар. Уларнинг бири: «Мен кечалари доимо намоз ўқийман», иккинчиси: «Мен кундузлари доимо рўзадор бўлиб, оғзимни очмайман», учинчиси эса: «Мен хотинлардан узлат киласман ва хеч хам уйланмайман» — деди. (Бу гаплардан хабар топгач) расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уларнинг олдларига келдилар ва: «шундай-шундай гапларни айтганлар сизларми?! — дедилар. Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, албатта мен сизлардан кўра Аллоҳдан кўркувчирок ва унга такволирогингизман! Лекин, мен рўза хам тутаман, оғзим хам очик бўлади. Намоз хам ўқийман, ухлайман хам ва хотинларга уйланаман. Бас, ким менинг суннатимдан воз кечса, у Мендан эмас» (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг шиҷоати ва сабр-бардоши

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг Аллохнинг динига ёрдам бериш, Аллох сўзини олий килиш ва Аллох берган неъматларни ўз ерига қўйиш борасида катта улушлари бор. Оиша разияллоху анҳо дедилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кўллари билан на хизматкорларини ва на хотин-кизларини урдилар. Факатгина Аллох йўлидаги жиходда кўллари билан (душманларни) урдилар» (Имом Муслим ривояти).

Курайш сардорлари ва кофирлари олдида Ислом динига даъват этиб ёлгиз туришлари хамда Аллохнинг нусрати келгунига кадар бу динда сабот билан туришлари, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам шижаотининг намуналаридан баъзисидир. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Мен ёлгиз ўзимман, хамма менга карши!» —деб айтмадилар. Балки, Аллох таолога суяниб, даъватни ошкор килдилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам одамларнинг энг шижаотлиси ва матонатлиси эдилар. Одамлар кочар, У зот эса жойида матонат кўрсатиб турар эдилар!

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Хиро горида ибодат килар, лекин, на Курайш ва на бошка кофирлар унга озор бермас эдилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам тавхид ва Аллохнинг ўзигагина ибодат килиш керак эканлигига очик даъват килганларидагина, кофирлар бир ёқадан бош чикариб, каршилик кўрсата бошладилар ва хайратланиб: «(Кўп) Илохларни ягона илох килдими?» — дедилар (Сод сураси : 5). Холбуки, улар бутларни ўзлари билан Аллох ўртасида воситачи килиб олган эдилар. Аллох таоло бу хакда шундай дейди: «(Улар): «Биз у (олиха)ларга бизларни Аллохга якин киладилар, деб ибодат килмоқдамиз» — дейдилар» (Зумар : 3). Йўкса, улар Аллох таолонинг рубубият (гамхўр тарбияткунандалиги) даги ёлгизлигига икрор эдилар: «Айтинг: «Самовоту Ердан сизларни ким ризклантиради?». (Сиз) «Аллох» —деб айтинг. Хеч шубха йўкки, биз ва сизлар ё хидоят узрамиз, ёки очик залолатда» (Саъба: 24)

Мусулмон дўстим, мусулмонлар яшаётган ўлкаларда ўликлардан эҳтиёжларини сўраш, уларни воситачи килиш, уларга назр аташ, улардан кўркиш ва умид килиш каби ширк амалларининг ёйилгани хакида тафаккур килиб кўринг! Бу ширк амаллари сабабли Аллох билан бояланган арконлар узилди ва ўликлар абадий Тирик бўлган зотнинг ўрнига қўйилди: «Албатта кимда-ким Аллохга ширк келтирса, Аллох унга жаннатни харом килур, унинг борар жои дўзахдир» (Моида :72)

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг уйларидан, шимол тарафда жойлашган Ухуд тогига карайлик. Бу тог олдида бўлиб ўтган жанг асносида Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг каҳрамонлиги, матонати ва у зотга етган жароҳатга бордошлари очик кўринган эди. Ана шу жангда муборак юзларидан кон оккан, курак тишлари синдирилган ва бошлари ёрилган эди. Аллох пайгамбаримизга салавоту-саломлар йўлласин.

Сахл ибн Саъд разияллоху анҳу Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг жароҳатлари хакида шундай дейди: «Аллох номига онт ичиб айтаманки, мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг жароҳатини ким ювгани, унга ким сув куйиб тургани ва нимани дори килинганини жуда яхши биламан. Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг кизи Фотима розияллоху анҳо жароҳатни ювар, Алий разияллоху анҳу эса унга калконда сув куйиб турар эди. Фотима розияллоху анҳо сув кон келишини кучайтирганини кўрганидан сўнг, бўйранинг бир парчасини олиб куйдирди-да, уни жароҳатга босди. Кон тўхтади. Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг тишлари

синди, юзлари жарохатланди ва дубулгалари бошларида турганда синди» (Имом Бухорий ривояти).

Аббос ибн Абдулмутталлиб разияллоху анху Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг Хунайн жангидаги холатларни таърифламокда: «Мусулмонлар чекина бошлаганларида Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ўз ерларидан жилмай турдилар. Хачири кофирлар томон чопмокчи бўлар, мен эса тезлаб кетмасин дея унинг жиловидан тутиб турар эдим. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам у онда: «Мен пайгамбарман ёлгончи эмасман. Мен Абдулмутталибининг ўглиманинг — дер эдилар» (Имом Муслим ривояти).

Довюрак чавандоз машхур ходислар сохиби Алий разияллоху анху Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам хакида шу сўзларни айтди: «Икки тараф бир-бири билан тўкнашган ва жанг авжига чикканида Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам билан химояланар эдик. Чунки, У зотдан кўра душманга якинрок бошка кимса колмас эди» (Имом Муслим ривояти: З\ 1401. Багавий, «Шархус-сунна»).

Даъват ишидаги Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг сабрубардоши зарбулмасал ва чиройли намунаидир. Чунки, Аллох таоло У зот сабабли дин асосларини тиклади. У зотнинг чавандозлари араб ярим ороли, Шом ва Мавроуннахрларда жавлон урди. Натижада, шахар ва кишлокдаги хар бир уйга Ислом дини етиб борди.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аллох йўлида шундай кўркитилдим-ки, бошка хеч ким бунчалар кўркитилмади! Аллох йўлида шундай озорландимки, бошка бирор бундай озорланмаган! Бир бор менга ўттиз кеча ва кундуз ўтди, мен ва Билол учун жонзот ейиши мумкин бўлган таомдан Билолнинг кўлтигига жойлашадиган микдорда озукамиз бўлар эди» (Имом Термизий ва Ахмад ривояти).

Ул зотга келган бойликлар, ўлжалар ва Аллох таоло ато этган фатхлар бўлишига карамай Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам на бир динор ва на бир дирхам мерос килиб колдирмадилар. Балки, ушбу илмни колдирдилар, у пайгамбарлик меросидир. Ким бу меросни олмокчи бўлса, марҳамат килиб олсин!

Оиша разияллоху анхо: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам на динор, на дирхам, на кўй ва на тую мерос килиб колдирмадилар ва бирон нарсани васият килмадилар» — дедилар (Имом Муслим ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг дуоси

Дуо буюк ибодатлардан бири бўлиб, уни Аллохдан бошкаси учун килиш жоиз эмасдир. Дуо — Аллох таолога муҳтожлик, куч ва кувватга эга эмасликни кўрсатишдир. У — куллик белгиси, башарий хокисорликни сезишидир. Дуода Аллох таолога санолар айтиш, эхсон ва саховатни боглаш бордир. Шунинг учун хам, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам «Дуо — ибодатнинг ўзгинасадир» деган эдилар. (Имом Термизий ривояти).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Аллох таолога кўп дуо килар, ялинар ва муҳтожлигини кўрсатар хамда дуо учун пурмаъно сўзларни истеъмол килар эдилар.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг дуоларидан намуналар:
«Аллоҳим, мен учун ишимнинг саломати бўлган динимни, тириклигим бўлган хаётимни, окибатим бўладиган охиратимни ислоҳ! Хаётни мен учун

барча яхшиликларда зиёда кил! Хаётдан кўз юмишни эса барча ёмонликлардан кўра мен учун роҳатбахт кил!» (Имом Муслим ривояти).

«Аллоҳим! Эй гайб ва ошкора нарсаларни билувчи, Самовату-Ерни яратган ва барча нарсанинг Роббиси ва хожаси, мен Сендан ўзга илоҳ йўқ эканига гувоҳлик бераман ҳамда нафсимнинг ёмонлигидан, Шайтон ва унинг улушларидан, ўзимга ёки мусулмонларга ёмонлик килишимдан Сен билан паноҳ тилайман» (Имом Абу Довуд ривояти).

«Аллоҳим, мени ҳалолинг ила ҳаромингдан кифоялантириш ва ўз марҳаматингла, ўзингдан бошқалардан бехожат кил!» (Имом Термизий ривояти).

«Аллоҳим, мени кечир, менга раҳм кил ва мени Улуг Дўстларга ковуштириш» (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам кийинчилик даврларида ҳам, фаровончилик даврда ҳам Аллоҳ таолога кўп дуо килар эдилар. Бадр кунида мусулмонларнинг галабаси ва мушрикларнинг маглубиятини сўраб дуо килгандарида, елкаларидаги ридолари ерга тушиб кетди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам ўзи, оиласи, сахобалари ва барча мусулмонлар учун дуо килар эдилар.

Зиёратнинг нихояси

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг ҳадислари, чиройли сийрати, жиҳоди ва мусибатлари ҳакидаги ривоятларни эшиитдик. Мухаммад саллалоҳу алайхи ва салламга нисбатан адо этишимиз керак бўлган ҳаклар бордир. Биз бу ҳакларни бажариш билан барча эзгуликларни мукаммал килайлик ва тўғри йўлдан юрайлик. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг уммати зиммасидаги ҳакларидан баъзилари куйидагилардир:

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламга сўз ва амалда садокатли иймон келтириш, Уни олиб келган барча нарсаларида тасдиклаш, Унга итоат этишнинг фарзлиги ва итоатсизлик килишдан эҳтиёт бўлиш, масалаларнинг ҳукмида У зотга мурожаат этиш ва У зотнинг ҳукмига рози бўлиш, У зотни гулув ва камситишишиз ўз мартабасига кўйиш, У зотга эргашиш ва У зотдан барча ишларда ўрнак олиш, У зотни оила, фарзанд ва барча одамлардан кўра кўпроқ севиш, улуглаш ва хурматлаш, У зотни олиб келган динга ёрдам бериш, У зотнинг суннатини химоя килиш ва мусулмонлар ўртасида жонлантириш, У зотнинг сахобаларини севиш, улар учун Аллоҳдан розилик сўраш ҳамда уларнинг таржимаи холларини ўрганиш. Аллоҳ пайгамбаримизга беадад салавоту – саломлар йўлласин!

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламни яхши кўриш аломатларидан бири — У зотга салавот айтишдир. Аллоҳ таоло деди: «Албатта, Аллоҳ ва Аллоҳнинг фаришталари пайгамбар Мухаммад саллалоҳу алайхи ва салламга салавот айтадилар. Эй Мўъминлар, (сизлар ҳам) Унга салавоту-салом айтинглар!» (Ахзоб : 36).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам: «Кунларингизнинг энг афзали — жума қунидир. У кунда Одам (алайхиссалом) яратилди. У кунда (сурга) дам урилади ва (унинг окибатида барча жонли маҳлукот) бехуш бўлади. Бас, у (жума) кун(и) Менга кўп салавотлар айтинглар! Чунки, сизларнинг салавотларингиз менга кўндаланг килинади» — дедилар. Сахобалардан бири: «Ё Расулуллоҳ, чириб кетган бўлсангиз Сизга бизнинг салавотларимиз кандай кўндаланг килинади?» — деб савол берди. Унга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам: «Аллоҳ таоло пайгамбарларнинг жасадларини ейишни Ерга ҳаром

килди» — деб жавоб бердилар (Имом Абу Довуд, Ибн Можа ривояти, Албоний бу хадисни «сахих», деди)

Мухаммад саллалоху алайхи ва салламнинг Уммати ўз пайгамбарининг хаккига баҳиллик килмаслиги керак. Чунки, Расулуллоҳ саллалоху алайхи ва саллам: «Бахил — унинг хузурида зикр килинганимда менга салавот айтмаган одамдир» — дедилар (Имом Термизий ривояти).

Расулуллоҳ саллалоху алайхи ва саллам дедилар: «Бир кавм бир ерда ўтириб Аллохни тилга олмас ва пайгамбарларига салавот айтмас эканлар, уларга хасрат ва надомат (ёки ўч) бўлур: Агар (Аллоҳ) хохласа уларни азоблайди, хохласа кечиради» (Имом Термизий ривояти).

Видолашув

Иймонлар обод бўлган ва тоат-ибодатга асосланган ушбу хонадондан чикар эканмиз, Расулуллоҳ саллалоху алайхи ва салламнинг суннатлари биз ва (дунё машаккатлари ва жаханнам азобидан) кутилишни хохлаган инсонлар учун белги, хидоятни излаганлар учун йўл бўлиб колмокда. Энди, салаф уламолари ва уларнинг бу буюк суннатга эргашиш борасидаги харисликлари хакида бир тўхталиб ўтамиз. Шояд Аллоҳ таоло бизни чиройли намуна ва ўрнак олишга мусассар килса.

Ахли суннат имоми Ахмад ибн Ханбал раҳимаҳуллоҳ деди: «Кайси хадисни ёзган бўлсан, унга амал килдим. Хатто, бир куни Расулуллоҳ саллалоху алайхи ва салламнинг (хижома килдирганидан) кон олдирганидан сўнг Абу Тойбага бир динор берганини ўқидим, мен хам кон олдирганимда кон олувчи (хажжом) га бир динор бердим» («Сияру аъламуннубала» : 11\ 213).

Абдуроҳмон ибн Махдий раҳимаҳуллоҳ: «Суфён раҳимаҳуллоҳнинг: «Менга Расулуллоҳ саллалоху алайхи ва салламдан бирон бир хадис етиб келган бўлса, унга бир марта бўлсада амал килдим» — деб айтганини эшитганман» — деди.

Муслим ибн Ясор раҳимаҳуллоҳ деди: «Мен оёқ кийимим билан намоз ўқийман. Аслида уларни ечиш мен учун кийин эмас. Бирок, мен суннатга риоя килмокчи бўламан» (танбех: буни жойнамоз тўшалмаган ўринларда килинади. Ислом Нури) («Сияру аъламун нубала»: 7\ 232. Имом Ахмад ибн Ханбал, «аз-Зухд» : 355).

Рисоламизнинг хотимасида муҳтарам китобхон учун катта масъулиятни ўз ичига олган ушбу хадисни тақдим этмокчимиз. Расулуллоҳ саллалоху алайхи ва саллам дедилар: «Умматнинг хаммаси Жаннатга кирадилар, магарам юз ўтирганлари кирмайдилар». Сахобалар: «Ё Расулуллоҳ, кимлар юз ўтиради?» — дедилар. «Кимки менга итоат килса жаннатга киради. Кимки менга осий бўлса, ана шу юз ўтиргандир» — деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ривояти).

Аллоҳим, бизга пайгамбаринг Мухаммад саллалоху алайхи ва салламни яхши кўриш, тўғри йўлда унинг кўрсатмаларига адашмай ва адаштирмай юришни насиб эт! Аллоҳим, кеча-кундузлар алмашар экан, солих, зокирлар зикр этарканлар Сен Унга салавотлар йўлла! Аллоҳим Буюк Фирдавс жаннатида бизга пайгамбаримиз Мухаммад саллалоху алайхи ва саллам билан бирга бўлишни насиб эт! Уни кўриш, Унинг хавзидан сув ичиш ва ундан кейин хеч качон чанкамасликни насиб эт!

Аллоҳ таоло пайгамбаримиз, Унинг оиласи ва барча сахобаларига салавоту — саломлар йўлласин!.